ЛЕНИНЧА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ НАМОЙИШИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 172, (4419).

29 АВГУСТ ШАНБА 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.


СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қозоғистон ССР меҳнаткашлари революцион ҳаракатда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ҳамда жаҳонда биринчи кўп миллатли социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлашда қилган катта хизматлари учун, ватанимиз душманларига қарши жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги ҳамда Коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1970 йил 27 август.



КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг байроғига Октябрь Революцияси орденини қадаб қўймоқда. Унгда эса, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев.

ТАСС — УзТАГ телефотоси.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

ОЛМАОТА, 27 август. **ТАСС махсус мухбирлари.** Қозоғистон ССР ва Қозоғистон Компартиясининг 50 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун келган меҳмонларнинг Олмаота корхоналари ва муассасалари, пойтахт области колхоз ва совхозлари меҳнаткашлари билан учрашувлари шодиёна ва самимий ўтмоқда. Қардош иттифоқдош республикаларнинг намояндалари, Москва ва Ленинград делегациялари Қозоғистон меҳнаткашларини шонли юбилей билан қизғин муборакбод қилмоқдалар.

Россия Федерациясининг делегацияси кеча оғир машинасозлик заводида бўлди. Ип газлама комбинатининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди шарафига бағишланган мусобақада меҳнатда эришган муваффақиятлари тўғрисида қардош Украина халқининг намояндаларига гапириб бердилар. Белоруссия делегацияси Қозоғистон ССР Фанлар академиясини бориб кўрди.

Уйсозлик комбинатининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегациясини қардошларча самимий ва шодиёна кутиб олди.

«Олмаота» совхозида 28 миллат намояндалари яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Тамакининг серҳосил навларини етиштиришда эришган муваффақиятлари тўғрисида улар Арманистон делегацияси аъзоларига сўзлаб бердилар.

Литва, Молдавия, Латвия, Туркманистондан келган меҳмонлар колхозлар ва совхозларда бўлдилар, қозоқ физиклари билан, деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ҳамда чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан учрашдилар. Улар шунингдек Қурманғози номидаги қозоқ давлат санъат институтини ҳам бориб кўрдилар.

Қардош иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград вакилларининг Қозоғистон меҳнаткашлари билан учрашувлари совет халқларининг мустаҳкам қардошларча дўстлигини, ленинча миллий сиёсат тантанасини намойиш қилди.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Кўмир разрезида ёқилғи қазиб чиқаришни тезлаштириш кўп жиҳатдан бизнинг меҳнатимизга ҳам боғлиқ. Чунки коллективимиз кон устидаги тупроқ ва шағал қатламларини қазиб олиб, шахтёрлар учун иш фронти очиб беради.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, ишчи-хизматчиларимиз бу вазифани муваффақиятли бажаришяпти. КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, суръатга-суръат қўшиб ишлашяпти. Давлат планларини бажаришда биринчи участка кончилари пешқадамлик қилишяпти. Улар саккиз ойлик планни муддатидан ўн беш кун илгари бажаришди. Иккинчи участка коллективи эса шу йилнинг ўтган ойларида топшириқдагидан ташқари ўнларча минг кубометр тупроқ-шағал ишларини бажардилар.

Г. АШРАПОВ,
Оҳангарондаги кон устини очиш разрези ишчиси.

ҚОЗОҒИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА,
ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА,
ҚОЗОҒИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети республиканинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини ва уларнинг авангарди — коммунистларнинг жанговар отрядини шонли юбилей — Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг эллик йиллиги билан қизғин табриклайдилар ва қутлайдилар.

Улуғ Ленин ташкил этган Коммунистик партия раҳбарлигида Қозоғистон меҳнаткашлари кураш ва ғалабаларнинг катта йўлини босиб ўтдилар. Улар революцион мақсадларнинг бирлиги туфайли Бутунроссия пролетариати ва энг камбағал деҳқонлар билан жипслашиб, социал ва миллий зулмдан озод бўлиш учун, Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун актив кураш олиб бордилар. Қозоғистон меҳнаткашлари социализм қуриш йўлига ўтиб, совет халқларининг аҳил оиласида чинакам озодликка, миллий социалистик давлатга эга бўлдилар, экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшдилар.

Қозоқ халқи Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида социалистик Ватанга чексиз садоқат намуналарини кўрсатди. Қозоқ халқининг неча юз минглаб ўғил ва қизлари қўлларига қурол олиб, фашизмга қарши мардона жанг қилдилар. Республика меҳнаткашлари завод ва фабрикаларда, шахталарда, совхоз ва колхозларда кучларини аямай фидокорона меҳнат қилдилар, бутун совет халқи билан биргаликда душман устидан ғалаба қозонишга замин тайёрладилар.

Қозоғистон эллик йил мобайнида рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами ҳамда мададига таяниб, қашшоқ ва фақир ўлкадан замонавий саноати мавж уриб ривожланаётган ва қишлоқ хўжалиги юксак даражада тараққий этган республикага айланди. Ҳозирги кунда рангли ва қора металлургия, машинасозлик, химия, улкан кўмир шахталари ва разрезлари, нефть конлари, йирик электростанциялар Совет Қозоғистонининг индустриал қиёфасини белгилаб бермоқда. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун республиканинг ер остидаги битмас-туганмас, турли-туман бойликларидан тўларок фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар рўй берганлиги, қўриқ ва партов ерлар ўзлаштирилганлиги натижасида Қозоғистон мамлакатда дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи йирик республика бўлиб қолди. Эндиликда Қозоғистон ёппасига саводхонлар республикаси бўлиб, унда мактаб шахобчалари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа маданий муассасалар кўп. Халқнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Қардош Қозоғистоннинг муваффақиятлари барча совет кишиларини астойдил қувонтирмоқда. Бу муваффақиятлар пролетар революцияси томонидан онгли бунёдкорлик ишларига отлантирилган халқ моддий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларида қандай юксак поғоналарга эриша олишини кўрсатиб турибди.

Қозоғистон ССР меҳнаткашларининг муваффақиятлари КПСС жанговар отрядларидан бири бўлмиш Қозоғистон Коммунистик партиясининг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Қозоғистон Коммунистик партияси коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш, қозоқ халқининг Ватанимиздаги барча халқлар билан дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида кўп иш қилмоқда, республика меҳнаткашларини совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияламоқда, уларнинг куч-ғайратини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини муддатидан илгари бажаришга сафарбар қилмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси меҳнаткашларини юксак мукофот — Октябрь революцияси ордени билан самимий муборакбод қиладилар ва республиканинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари Қозоғистон Компартияси раҳбарлигида коммунизмни қуриш учун бундан буён ҳам актив кураш олиб борадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездини янги муваффақиятлар ва ютуқлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирадилар.

Яшасин Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ва унинг коммунизм қурилиши йўлида комил ишонч билан олға бораётган халқи!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди Қозоғистон Коммунистик партияси!

Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ҚАҲРАМОНОНА КУРАШ ВА БУНЁДКОРЛИК МЕҲНАТИНИНГ ЯРИМ АСРИ

ҚОЗОҒИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Қозоғистон меҳнаткашларининг катта ва энг шодиёна байрами. Улар улуғ Ватанимизнинг барча халқлари билан бирга Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ҳамда Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

Илгариги бу қолоқ ўлканинг қиёфаси Коммунистик партиянинг иродаси, халқнинг қаҳрамонона меҳнати билан ўзгариб кетди. Ҳозир Қозоғистон қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган, бой социалистик маданиятга эга бўлган индустриал республика. Қозоғистон ССР меҳнаткашлари ўзларининг улуғ революцион ғалабаларини, ярим аср ичида қўлга киритган барча муваффақиятларини якунлаб, жонажон Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашганликларини, коммунизм тантанаси йўлида янги ютуқларни қўлга киритишга тайёр эканликларини янги куч билан намойиш қилмоқдалар.

(Давоми учинчи бетда).

ХАЛҚЛАРНИНГ СОЦИАЛИЗМ ВУЖУДГА КЕЛТИРГАН УЛУҒ ҚАРДОШЛИГИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолари, Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг депутатлари ва ушбу тантанали мажлиснинг барча қатнашчилари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан сизларни ва сизлар орқали республиканинг барча меҳнаткашларини катта байрам билан — Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг ва Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги билан қизғин ва сидқидилдан қутлайман.

Очиғини айтсам, ўртоқлар мана шу байрам кунида сизлар билан бирга бўлганлигимдан, бу ерда, Совет Қозоғистонининг пойтахтида гапираётганлигимдан жуда хурсандман. Қўриқ ерларни очиш йилларида бу ерда Қозоғистонда бевосита ишлаб, республика партия ташкилоти билан алоқадор бўлиб қолганман. Ўша вақтларни мен ҳамиша самимий ва миннатдорчилик билан эслайман. Ўша вақтда бу ерда ишлаш туфайли мен ажойиб республикаларимиздан бири билан, унинг мард ва серғайрат, дилкаш кишилари билан яқиндан танишиб олдим.

Ўртоқлар! Совет Қозоғистонининг ярим асрлик юбилейи улуғ бир вақтда нишонланмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам бутун халқимиз, ер юзининг барча тараққийпарвар кишилари Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллигини тантанали нишонлаган эдилар. Совет кишилари ҳаммамиз учун азиз бўлган мана шу санани коммунистик қурилишнинг барча участкаларида янги муваффақиятлар билан кутиб олишди.

КПСС Марказий Комитетининг 1969 йилги декабрь Пленуми ва 1970 йилги июль Пленуми шу қурилишни авж олдиришда муҳим босқичлар бўлди. Бу пленумлар хўжалик сиёсатининг принципиал масалаларини совет экономикасини ривожлантиришнинг ва, жумладан социалистик қишлоқ хўжалигимизни ривожлантиришнинг ҳозирги вақтдаги проблемаларини муҳокама қилди.

Эндиликда партиямиз ва бутун мамлакатимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIV съезди томон бораётир. Бу съезд партиямиз ва халқимиз ҳаётида катта воқеа бўлади. Съезд Совет Иттифоқи ички ҳаётининг ҳамма соҳаларидаги беш йиллик иш натижаларини ва унинг ташқи сиёсатини якунлаб бериш, бундан буёнги тараққиётимиз йўлларини улуғ мақсад сари бораётган йўлимизнинг янги босқичларини белгилаб бериши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамнуният билан айтиш мумкинки, съездга тайёргарлик совет кишиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят юксалган вазиятда бошланди.

Шу нуқтаи назардан қаралганда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида қозоқ элида вужудга келган жуда катта ўзгаришлар, республикангизнинг катта муваффақиятлари ва бугунги кунда унинг олдида турган тағин ҳам улканроқ вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўртоқлар! Ҳар бир халқ тарихида шундай воқеалар борки, бу воқеалар авлоддан-авлодга ўтадиган қимматбаҳо мерос каби, халқнинг энг порлоқ орзулари ва қилган ишларидан далолат берувчи абадий рамз каби халқ хотирасида мангу сақланиб қолади. «Автоном Қирғизистон (Қозоғистон) Совет Социалистик Республикасини барпо қилиш тўғрисида» 1920 йил 26 августда В. И. Ленин, М. И. Калинин имзо чеккан декрет қозоқ халқи учун мана шундай воқеа бўлиб қолди. Партиямиз ленинча миллий сиёсатни, халқлар дўстлиги ва қардошлиги сиёсатини қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб келаётганлиги Совет Қозоғистонининг тарихий тақдирида зўр куч билан намоён бўлди.

Чор Россиясининг ўтмишда забун, қолоқ миллий ўлкаси фақат бир авлоднинг умри давомида ривожланган социалистик республикага айланди. Совет Қозоғистони чўллардаги хароб кўчманчи овуллардан зўр совхоз ва колхозларгача, кустарь кончилик корхоналари ва бўзчиларнинг тўқув дастгоҳларидан биринчи даражали индустрияга, очлик, нодонликдан, зулмат, саводсизликдан шаклан миллий, мазмунан социалистик ўзига хос миллий маданиятнинг ажойиб парвозигача бўлган йўлни баҳодирона қадамлар билан босиб ўтди.

Қозоғистоннинг чексиз майдонларида замонавий саноат ва қишлоқ хўжалик гигантлари, ўзининг мактаблари, касалхоналари, маданий марказлари бўлган обод шаҳарлар ва қишлоқлар қад кўтарди. Олтой тоғларидан Каспий сувларигача бўлган кенг ерларда янги бахтли ҳаёт булоқдек жўш урмоқда.

Бузилмас қардошлик алоқалари, тарихий йўлнинг бирлиги, манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашган барча совет кишилари Қозоғистон меҳнаткашларининг муваффақиятлари билан фахрланмоқдалар. Бу — синфдош, тақдирдош қардошларнинг, ўзларининг бутун умрларини бағишлаб биргаликда коммунизм қураётган қардошларнинг фахри. Бу ўртоғининг тақдирига биргаликда жон куйдирган ва ўз навбатида шу ўртоқлик туфайли бойиб камолга етган одамларнинг фахри.

«Қуш қаноти билан, одам дўстлари билан кучли» дейилади қозоқ мақолида. Совет воқелиги шароитида бу сўзлар чуқур маъно, катта мазмун кашф қилди.

Республика қишлоқ хўжалигидаги жуда чуқур революцион ўзгаришлар Лениннинг ер тўғрисидаги, Туркистондаги суғориш ишларига маблағлар ажратиш тўғрисидаги декретларидан бошланди, большевиклар ғайратини, иродасини ва пролетариатнинг уюшқоқлигини Қозоғистон чўлларига олиб келган Питер пролетариатининг вакиллари Шарқий Қозоғистон ерларида ташкил этган Обухов коммунасидан бошланди.

Қозоғистоннинг ўз индустриясини барпо қилиш йўлидаги биринчи қадамлари ҳам бутун мамлакат меҳнаткашларининг ёрдами билан қўйилган қадамлар бўлди. Руслар билан қозоқлар, украинлар билан белоруслар, барча совет халқларининг намояндалари Турксибни ва Қараганда шахталарини, Эмба нефть конларини ҳамда конга бой Олтой ўлкасининг, Чимкент, Балхашнинг саноат корхоналарини қуриб беришди. Москва, Урал, Ленинград, Донбасс ва мамлакатдаги бошқа саноат марказларининг ишчилари, инженерлари ва техниклари Қозоғистоннинг янги қурилишларини оталиққа олдилар, ўз тажрибаларини ўргатдилар, миллий кадрларни вужудга келтиришга ёрдамлашдилар.

Қозоғистон меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, бошқа қардош совет республикалари каби Қозоғистон Республикасининг ҳам жуда катта индустриал тараққиёти Совет Иттифоқидаги барча халқлар биргаликда қилган меҳнатнинг натижасидир, кўп миллатли бутун мамлакатимиз миқёсида социалистик экономикани планли ташкил этиш афзалликларининг ёрқин кўринишидир. «Биз, — деган эди Владимир Ильич Ленин, — барча меҳнаткашларни, қадимий Римнинг шафқатсиз қонунига кўра, бир-биридан ажратмай, балки уларни жонли манфаатларнинг, синфий онгнинг узилмас занжирлари билан бир-бирларига боғлаб ҳукмронлик қиламиз. Шунинг учун ҳам бизнинг иттифоқимиз, бизнинг янги давлатимиз ёлғонлар ва темир кишанлар билан бирлаштирилган империалистлар учун керакли бўлган сунъий давлат бирлашмаларининг зулмкор ҳокимиятидан мустаҳкамроқдир».

Ленин айтган шу сўзларнинг ҳақлиги Улуғ Ватан урушининг машаққатли йилларида алоҳида куч билан намоён бўлди.

Кўп миллатли мамлакатимиз Ватанининг ор-номуси ва мустақиллиги, совет халқларининг озодлиги, уларнинг жонажон социалистик Ватани учун курашда ҳамма синовларга шайланиб, бир ёқадан бош чиқарган жанговар лагерь бўлиб революция ғалабаларини ҳимоя қилишга киришди.

Мамлакатимизнинг барча халқлари, барча республикалари каби Совет Қозоғистони ҳам ўзининг энг яхши фарзандларини фронтга юборди. Республика ўзининг ўғил ва қизларидан беш юзга яқини Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовар бўлганлиги билан ҳақли равишда фахрланади.

Уруш йилларида Қозоғистон фронтнинг ишончли орқа таянчи бўлганлигини, бу ерда Қизил Армиянинг жанговар қисмлари ташкил қилиниб турилганлигини, бу ер мамлакатнинг қудратли арсенали ва муҳим ғалла кони бўлганлигини асло унутмаймиз. Ватанимиз пойтахти бўсағаларини жон олиб, жон бериб ҳимоя қилган машҳур Панфилов дивизияси бугун Кунаев эслатиб ўтганидек шу ерда, Қозоғистонда тузилган эди-ку. Ғарбий ва марказий областлардан кўчириб келтирилган корхоналар қозоқ элида ғоят қийин шароитда, рекорд бўларли қисқа муддатлар ичида яна қайта тикланиб, ишга тушириб юборилди.

Ўша йиллари Қозоғистон фашист ваҳшийлар томонидан уй-жойлари куйдирилган ва вайрон қилинган миллион-миллион совет кишилари учун бошпана топиб берди. Қозоқ халқи урушнинг даҳшатли йилларида кўчириб келтирилганларни самимий меҳмондўстлик билан кутиб олиб, уларга ўз бағридан жой бериб, ўз уйининг тўрига ўтказиб, ўз нонини улар билан баҳам кўрганлигини Украина ва Белоруссиядагилар, рус ва Болтиқ бўйи шаҳарлари ва қишлоқларидагилар асло унутмайдилар.

Барча совет кишиларининг қозоқ халқига бўлган ҳис-туйғуларини яхши ифодалаб: «Биз қозоқларнинг ростгўйлигини, очиқ кўнгиллигини, мардокаворлигини, камтарлигини, вафодорлигини яхши кўрамиз» деган сўзлар худди ўша Ватан уруши йилларида «Правда» саҳифаларида янграган эди.

Бу сўзларнинг аҳамияти замон ўтиши билан ўчиб кетгани ва камайиб қолгани йўқ, балки аксинча тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Бугун биз Совет Қозоғистонининг 50 йиллигини нишонлаб республика меҳнаткашларининг янги бўғини — қўриқ ерларни очган чўлқуварлар, индустриал гигантларнинг бинокорларига хос мардлик ва қаҳрамонлик тўғрисида, уларнинг ватанпарварлик бурчини чуқур англаганликлари ва коммунизм ишига содиқликлари тўғрисида фахрланиб гапирамиз.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги совет халқи қилган шонли ишларнинг ёрқин саҳифаси бўлди. Бу иш мамлакатимиз тарихида умумхалқ шижоати сифатида, барча совет республикалари, давлатимиздаги барча халқлар ҳаракатлари бирлигининг тимсоли сифатида тарихдан абадий жой олди.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг давоми

(Боши биринчи бетда).

Совет Иттифоқининг бутун кўп миллатли ишчилар синфи қўриқ ерлардаги совхозларни биринчи даражали техника билан таъминлашда актив қатнашди. Ўша унутилмас йилларда Қозоғистонга мамлакатнинг ҳамма томонидан янги техника: Волгоград ва Челябинскдан, Харьков ва Минскдан — тракторлар, Горький ва Ярославлдан — юк автомашиналари, Ўзбекистон, Болтиқ бўйи республикалари ва бошқа республикалардан — қишлоқ хўжалик машиналари ва шу машиналарга запас қисмлар тўхтовсиз келиб турди.

Партиянинг чақириғи билан Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия ва бошқа қардош республикалардан Қозоғистонга юз минглаб кўнгилли ватанпарварлар етиб келди. Мамлакатдаги барча халқларнинг намояндалари биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб қўриқ ерларни очишди. Қўриқ ерлардаги совхозларнинг кўпларига қардош совет республикалари шаҳарлари ва районларининг шонли номлари қўйилганлиги ҳам тасодифий эмас.

Эллигинчи йиллардаги ажойиб ёшларимиз, комсомолларимизнинг, қўриқ ерларни ишга солган азаматларнинг, Қозоғистондаги бепоён, кенг ерларга жон киритган, табиатнинг асрлар бўйи мудраб ётган кучларини инсонга, коммунизмга хизмат қилдирган азаматларнинг шижоати халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

Кўп миллатли Ватанимизнинг баоча халқлари ва аввало улуғ рус халқи бериб турган жуда катта ёрдамни Қозоғистон меҳнаткашлари ўзларининг катта ва кичик ҳамма ишларида ҳар кун сезиб турибдилар. «Қозоғистон магниткаси»ни, яъни Қарағанда металлургия заводини мамлакатнинг уч юздан кўпроқ саноат корхонаси, ўн бир иттифоқдош республикадаги элликка яқин ихтисослашган корхона биргалашиб қурмоқда. Мана шу улкан қурилишда Совет Иттифоқидаги қирқ уч миллатнинг намояндалари аҳил бўлиб меҳнат қилмоқда.

Юзга яқин миллат ва элатнинг намояндалари ишлаб ва яшаб турган кўп миллатли Қозоғистоннинг ҳамма жойида ҳам шу ҳолни кўрасиз. Мамлакатимизнинг ҳамма жойида ҳам шу манзарани кўрасиз, ўртоқлар.

Мана шунинг ўзи, ўртоқлар, совет халқлари дўстлиги ленинча сиёсатининг, ленинча интернационализм ғояларининг амалдаги конкрет ифодасидир. Партиямиз В. И. Ленин васиятларига оғишмай амал қилиб, интернационализм байроғини баланд кўтаради, совет мамлакати халқларининг дўстлиги ва бирлигини кўз қорачиғидек асрайди. Социализм вужудга келтирган мана шу тош-метиндай бирликни, мана шу буюк қардошликни буза оладиган куч жаҳонда йўқ.

Азиз дўстлар! Қардош республикалар орасида Қозоғистон ССР территорияси жиҳатидан катта республикаларнинг биридир. Унинг бойликларини айтиб адо қилиб бўлмайди: рангли металларнинг нефть, кўмир, хромитларнинг, темир рудалар ва фосфоритларнинг текшириб аниқланган запасларидан эса республика мамлакатда етакчи ўринлардан бирини олиб турибди.

Қозоғистоннинг ҳали ҳеч ишга туширилмаган имкониятлари сон-саноқсиз. Унинг тез ўсиб бораётганлиги ҳам ҳаммани ҳайратда қолдирмоқда.

Республика саноат корхоналари 1969 йилда 1913 йилдагига нисбатан 132 баравар кўп, урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан 17 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарди. Кейинги етти йилнинг ўзидагина Қозоғистоннинг саноат ишлаб чиқариши қарийб икки баравар ошди.

Совет ҳокимияти йилларида Қозоғистон рангли металлургиянинг йирик базаси бўлиб қолди. Усть-Каменогорск қўрғошин-рух ва титан-магний комбинатлари, Балхаш ва Жезқазған кон-металлургия комбинатлари сингари гигантлар билан бутун мамлакат фахрланади.

Партия ва ҳукуматнинг хўжалик сиёсати Қозоғистонда индустриянинг қора металлургия, электр энергетика, машинасозлик, кўмир, нефть, химия, нефть химияси ва озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқларининг ҳам жадал ривожлантирилишини таъминлади. Қозоғистон магниткаси ва Соколов—Сарбай кон-саралаш комбинати, Қарағанданинг кўмир шахталари, Иккибастуз разрезлари, Манғишлоқ нефть конлари — булар замонавий социалистик экономикамизнинг қудрати ва тез ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин намуналардир.

Химия саноатини, шу жумладан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасида келгуси беш йилликда Қозоғистон саноати олдида бир талай вазифалар турибди.

Павлодар трактор заводини қуриб битказиш, унинг қувватини халқ хўжалигига тўла равишда хизмат қилдириш Қозоғистон саноати ходимлари учун катта ва масъулиятли ишдир.

Биз, қозоғистонлик ўртоқлар, корхоналарингизнинг маҳсулоти ҳозирги кунда жаҳоннинг 70 дан кўпроқ мамлакатига етказиб берилаётганлиги учун сизлар билан бирга фахрланамиз. Мана шунинг ўзи маҳсулотингизнинг умумий даражасига тузук баҳо берилаётганлигини кўрсатиб турибди. Қозоғисточ маркасига доғ туширманглар, ўртоқлар, ўз маҳсулотингизнинг сифатини ошириш учун ҳар доим курашингиз.

Қозоғистон заводлари ва фабрикаларида янги техника ва технология, илғор иш методлари актив жорий қилинаётганлиги бизни қувонтиради.

Фан-техника тараққиётини тезлаштиришни партиямиз ҳозирги вақтдаги марказий иқтисодий вазифаларнинг бири сифатида зўр бериб илгари сураётганлигини ҳаммангиз яхши биласиз, ўртоқлар. Ҳозирги вақтда экономикада фан-техника революциясини амалга оширишдан кўра, муҳимроқ ишимиз йўқ. Жамиятимизни ривожлантиришнинг кўпгина проблемаларини ҳал қилиш мана шунга боғлиқ, мана шундан келиб чиқади. Совет саноати ва қишлоқ хўжалигининг ҳар бир раҳбари, ҳар бир меҳнаткаши буни тушуниши лозим, фан-техника революциясини амалга оширишда актив қатнашмоғи, бу революция қўяётган талабларни кўриб-билиб турмоғи лозим.

Фан-техника тараққиёти Қозоғистон халқ хўжалигига ҳам тобора чуқур кириб бормоқда. Бу ишдаги шак-шубҳасиз муваффақиятларни қайд этиш билан бирга камчиликларни ҳам кўрмоқ керак. Масалан, ишлаб чиқаришни механизациялаш, илғор технологияни жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни прогрессив ташкил этиш йўли билан олинган иқтисодий самаранинг кўп қисмини қўл меҳнатининг салмоғи ҳали ҳам анча катта бўлган кўмакчи ишлар «еб қўяётганлигига» индамай қараб туриш мумкинми. Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантириш, янги техникани жорий қилиш планлари ҳануз тузук бажарилмаётганлиги ҳам ҳаммага аён-ку. Мана шу камчиликларни йўқотиш учун курашга бошчилик қилиш коммунистларнинг шарафли иши. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантириш планлари ҳозирги вақтда биринчи ўринда туриши лозим. Шу сабабли бу планларнинг бажарилиши учун қўядиган талабимиз ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши учун қўядиган талабимиздан кам бўлмаслиги ва ҳаттоки, қаттиқроқ бўлиши лозим.

Ўртоқлар! Совет мамлакатининг умумий халқ хўжалигида республикангизнинг индустриал салмоғи анча катта. Лекин шу билан бирга ҳозирги Қозоғистон Совет Иттифоқининг асосий ғалла конларидан бири, мамлакатимизнинг энг катта чорвачилик базаси.

Илгари ҳувиллаб ётган, эндиликда эса ўзлаштирилиб, унумдор ерларга айлантирилган кўп миллион гектарлаб ерлардаги бир минг олти юзга яқин совхоз ва тўрт юздан кўпроқ колхоз замонавий қудратли техника билан таъминланган, дон, гўшт, сут, жун етиштириб бераётган чинакам фабрикалар бўлиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги Қозоғисточнинг ёркин кўриниб турган манзаралари.

Кимгаки кўп берилса, ундан қилинадиган талаб ҳам кўпроқ бўлади. Қозоғистон қишлоқ хўжалигининг миқёси нақадар катта бўлса, унинг далаларида машиналар нақадар кўп ишласа, партиямиз ташаббуси билан бошланган, Марказий Комитет июль Пленумининг қарорларида ривожлантирилган умумхалқ ишида — мамлакат деҳқончилик ва чорвачилигини интенсивлаштириш ва техника билан қайта қуроллантириш ишида республикангизнинг роли шу қадар катта бўлади. Мана шу жуда муҳим қарорларнинг амалга оширилиши учун, сиз, қозоғистонлик ўртоқларнинг партия ва бутун совет халқи олдидаги масъулиятингиз ҳам шу қадар катта бўлади.

Қозоғистон деҳқонлари ишлаётган шароит енгил эмаслигини ҳамма билади. Қозоғистоннинг ёзи жазирама иссиқ, қуруқ, қиши — қаҳратон совуқ, унинг чўл шамоллари жуда қаттиқ — мана шуларнинг ҳаммаси бир талай қийинчиликлар туғдиради. Партия Марказий Комитети Қозоғистон партия ташкилотларининг, олимлари ва мутахассисларининг, барча қишлоқ хўжалик ходимларининг шу қийинчиликларни енгиш йўлида қилаётган катта ишларига муносиб баҳо бермоқда. Сиз, ўртоқлар, қўриқ ерлардаги деҳқончиликнинг кўпгина масалаларини чинакам ижодкорлик билан ҳал қилиб бердингиз. Деҳқончиликнинг тупроқни ҳимоя қилиш системасини ишлаб чиқиб, кенг жорий қилаётганлигингиз фан билан практика ўртасидаги ҳамдўстликни, маҳаллий шарт-шароитни реал ҳисобга олишнинг яхши намунаси бўлди.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг анчагина резервлари бор.

Масалан, Қозоғистонда ерларни мелиорация қилиш борасида нақадар катта ишлар қилинаётганлиги, республикада нақадар катта ирригация иншоотлари қурилаётганлиги маълум. Шулар орасида Қизил Ўрда ва Чимкент областларидаги шоликорлик системалари ҳам бор. Шу иншоотларни қуриш суръатларини жадаллаштириш, ўз вақтида битказиш, сизларнинг бурчингиз ва вазифангиз.

Қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил ҳосил олиб туришга имкон берадиган кенг зоналар вужудга келтириш жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлган иш-ку ахир. Бу вазифани амалга ошириш социалистик деҳқончиликни ривожлантириш йўлида олға томон катта қадам қўйиладч, демакдир.

Бултурги оғир об-ҳаво шароитларига қарамай республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари давлатга ғалла топшириш планини муваффақиятли адо этдилар. Пахта, қанд лавлаги, сабзавот тайёрлаш топшириқлари ҳам бажарилди. Ўрим-йиғим ишларининг ҳозирги вақтдаги бориши тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатиб турибдики, республика мамлакат олдидаги ўз бурчини бу йил ҳам тўла бажарса керак. Партия ва бутун совет халқи Совет Қозоғистони меҳнаткашларининг юбилей йилида дон ва бошқа экинлар ҳосилини тўла-тўкис ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиб, давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришларига ишонадилар.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш — Қозоғистоннинг жуда катта резерви. Бу резервдан фойдаланиш республикани янги чўққиларга кўтаради, бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Гўшт чорвачилигини ва қўйчилигини янада ривожлантириш, тағин ҳам арзонроқ гўшт ва жун олиш учун ҳам республикада катта имкониятлар бор. Қозоғистоннинг чорвачиликнинг катта базаси сифатидаги роли ҳар доим ошиб бормоқда. Қозоғистон 1969 йилда давлатга урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан олти баравар кўп гўшт берди. Чорвадорлар яхши меҳнат қилганликлари туфайли гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш бўйича беш йиллик топшириқлари бажарилмоқда. Қозоғистон партия ташкилоти, қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари бу билан чекланиб қолмасликларига ва чорвачиликни янада ривожлантириш проблемасини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшажакларига ишонамиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми эндиги беш йилликда қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, шу асосда уни тағин ҳам тезроқ ривожлантиришни асосий ва биринчи галдаги вазифа қилиб қўйди. Янги беш йилликда Қозоғистонга ишлаб чиқариш — уй-жой бинолари қуриш, маданий-маиший қурилиш ҳамда техника сотиб олиш учун анча кўп капитал маблағлар ажратилади. Колхоз ва совхозларга тракторлар, ғалла комбайнлари, юк автомобиллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситалари етказиб беришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Ўзларингизга маълумки, қишлоқ хўжалигини механизатор кадрлар билан таъминлашнинг муҳимлиги КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида уқтириб ўтилди. Қозоғистон учун бунинг алоҳида аҳамияти бор. Чунки республикангиз колхозлари ва совхозларида механизаторлар жуда етишмай қолганлиги сезилиб турибди. Партия ва хўжалик органларининг бурчи шуки, улар механизаторларга диққат ва эътибор бериб ғамхўрлик қилишлари, уларнинг колхозлар ва совхозларда ўрнашиб қолишлари учун ҳамма чораларни кўришлари лозим. Механизаторларнинг юксак даражада унумли меҳнат қилишлари учун бутун шарт-шароитни яратиб бериш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, турмушини яхшилаш, маънавий рағбатлантиришнинг самарали чораларини кўриш керак.

Янги техника ҳам, мелиорация қилинган янги майдонлар ҳам, сарфланаётган қўшимча пуллар ҳам тежаб-тергаб ишлатилади, колхозлар ва совхозларнинг меҳнатчилари партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига, ишчилар синфининг катта ёрдамига жавобан, меҳнат ғайратини янада кучайтирадилар, меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилайдилар, ўз меҳнатларининг маданиятини ва унумдорлигини оширадилар деган умид билан давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига катта-катта маблағлар сарфламоқда, колхозлар ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини оширмоқда.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги соҳасида партия илгари сураётган янги вазифалар партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятига нисбатан, барча кадрларимизга, ҳар бир меҳнатчига нисбатан тағин ҳам юксакроқ талаблар қўймоқда.

Ходимларнинг масъулиятни ҳис қилишларини бутун чоралар билан ошириш, уюшқоқликни, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, совет қонунларимизни оғишмай бажариш зарурлиги тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида Марказий Комитетнинг 1969 йилги декабрь Пленумида талабчанлик билан жиддий гаплашиб олдик. Қонунларга қаттиқ риоя қилиш тўғрисида Марказий Комитет июль Пленумининг қарорида ҳам айтиб ўтилди.

Бу талаблар қандайдир фавқулодда ҳолатлар сабабли келиб чиқди, деб ўйлаш нотўғри ва хатто зарарли бўлур эди.

Социализм миллионларнинг тарихида шу дамгача мисли кўрилмаган ижодий ғайратни вужудга келтирди, оммавий фидокорона меҳнатни, яъни мажбуран қилинадиган меҳнат эмас, балки меҳнаткашлардаги юксак онглилик натижаси бўлган меҳнатни вужудга келтирди. Буни кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Аслини олганда давлатимизнинг бутун тарихи ҳам бунга энг яхши мисол бўла олади.

Лекин шу нарса ҳам шак-шубҳасизки, замонавий йирик социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бу ишлаб чиқаришда фан-техника революциясини амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари олдига меҳнат унумдорлигини, уюшқоқликни ва меҳнат интизомини ошириш борасида янги техникадан энг кўп самара олинадиган қилиб, рационал фойдалана билиш соҳасида янги жиддий ва шу билан бирга муттасил ўсиб бораётган талаблар қўймоқда. Агар шундай бўлмаса, ўртоқлар экономикамизни янада ривожлантириш ишида сарфланаётган энг катта капитал маблағлар ҳам ўз қимматини анча йўқотган бўлур эди. Агар шундай бўлмаса асосий социал-иқтисодий вазифамизни ҳал этишда — коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда зарур тараққиётни таъминлай олмаган бўлур эдик.

Мутлақо равшандирки, меҳнат маданиятини бутун чоралар билан амалга ошириш жуда катта аҳамиятга эга иш бўлибгина қолмай, шу билан бирга ғоят кенг миқёсдаги иш ҳамдир. Буни тегишли равишда амалга оширмоқ учун бутун партиямиз, совет ҳокимиятимизнинг барча органлари, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари сабот ва матонат билан катта иш қилишлари керак.

Ўртоқлар! Қозоғистоннинг иқтисодий ривожланиши тўғрисида ҳали гапириб ўтдим. Лекин Қозоғистоннинг ҳозирги қиёфаси фақат шу билангина белгиланаётгани йўқ. Ҳозирги кунда Қозоғистон — ҳар томонлама ривожланган социалистик республика. Мактаби, кутубхонаси ёки клуби бўлмаган қишлоқ ва овул ҳозирги вақтда кам топилса керак. Чоризм даврида ҳар юз нафар қозоқдан фақатгина икки кишигина ўқиш-ёзишни билган Қозоғистон ҳозирги кунда мутахассисларни тайёрлаш суръатлари ва кўлами жиҳатидан жаҳоннинг ривожланган кўпгина давлатларини орқада қолдириб кетди. Бунга таажжубланилмаса ҳам бўлади: ҳозирги кунда республикада ўн мингдан кўпроқ умумий таълим мактаблари бор, бу мактабларда уч миллиондан кўпроқ бола ўқиб турибди. Икки юздан кўпроқ олий ва ўрта махсус ўқув юртлари Қозоғистонда халқ хўжалиги ва маданияти учун малакали кадрлар тайёрламоқда.

Илгари ўқимишли киши сувсиз чўлдаги танҳо дарахт каби камдан-кам учрайдиган жой бўлган бу ўлкада халқ орасидан минг-минглаб педагоглар, врачлар, инженерлар, агрономлар, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар ўсиб етишди.

«Олим» тушунчаси нималигини бу ўлкада ҳеч ким билмас эди, чунки олимларнинг ўзи йўқ эди, эндиликда бу ўлкада 200 дан кўпроқ илмий муассаса самарали ишлаб турибди. Республика Фанлар академияси фанни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Илмий ходимлар сафида 25 мингдан кўпроқ киши бор.

Ҳозирги кунда социалистик Қозоғистон маданияти ёрқин, ранг-баранг бўёқлар билан товланиб турибди. Унинг энг яхши муваффақиятларига барча совет кишилари юксак баҳо бермоқдалар.

Буржуазия сохтакорлари бизнинг мамлакатимизда маданий революция амалга оширилиши билан «миллий анъаналар йўқолиб кетди» деб даъво қилишга уринмоқдалар. Лекин бу уйдирмаларнинг бутунлай пуч эканлигини совет воқелиги яққол кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда атоқли қозоқ маърифатчилари Чўқон Валихонов, Ибрай Олтинсарин ва Абай Қўнонбоевнинг набиралари ва абиралари марксизм-ленинизмнинг буюк хазинасидан ўз она тилларида қониб баҳраманд бўлаётганликлари, бошқа халқлар, бутун инсоният ўзининг бутун тарихи давомида яратган бойликларни ўзлаштириб кўпайтираётганлиги рўй-рост кўриниб турибдику. Совет Иттифоқидаги барча миллатлар ва элатларники каби қозоқ халқининг ҳам ўзига хос маданияти социализм даврида мисли кўрилмаган даражада равнақ топганлиги, социалистик Ватанимиз маданиятининг муштарак хазинасига улар қўшаётган ҳисса ниҳоят даражада кўпайганлиги ҳам рўй-рост кўриниб турибдику.

Мана шуларнинг ҳаммаси, ўртоқлар социализмнинг ўзгартирувчи кучини кўрсатувчи энг ёрқин далилларнинг бири. Мана шунинг ўзи ленинча чинакам маданий революциянинг ҳам амалдаги кўриниши!

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан, ўртоқлар, Совет Қозоғистонининг барча меҳнаткашларини — ишчилар синфини, социалистик қишлоқ меҳнатчиларини, зиёлиларини — республика эллик йиллигининг шонли юбилейи билан чин кўнгилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Республика экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама юксалтириш ишида сизларга янги ажойиб муваффақиятлар тилаймиз, ўртоқлар!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Қозоқ халқи ва мамлакатимизнинг барча халқлари Қозоғистон ССРнинг ярим асрлик юбилейи билан бирга Қозоғистон Коммунистик партиясининг шонли эллик йиллигини ҳам нишонламоқдалар. Синфий жангларда туғилган қаттиқ синовлар оловида тобланган Қозоғистон Коммунистик партияси КПСС нинг жанговар отрядларидан бири, унинг мустаҳкам таянчидир.

Республика партия ташкилоти ярим асрдан бери яшаб келмоқда ва шу давр ичида унинг сафидаги ленинчи коммунистлар отряди 17 минг кишидан кўпая бориб ярим миллион кишидан ошиб кетди. У ўзининг эллик йиллик юбилейига Совет Иттифоқи Ленинчи Коммунистик партияси Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб, ғоявий чиниқиб ва ташкилий мустаҳкамланиб келди.

Қозоғистон коммунистлари республикадаги барча шонли ишларнинг ташкилотчиларидир. Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида улар революция солдатларини меҳнаткашларнинг душманлари, бойлар ва қулоқларга қарши курашга бошлаб бордилар. Уларнинг биринчи беш йилликлар давридаги меҳнат шижоати минг-минглаб ишчи ва деҳқонларни уюштирган байроқ бўлди. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида Қозоғистон коммунистлари фронтларда мардлик ва шижоат намуналарини, мамлакат ичкарисида шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Қозоғистон партия ташкилотининг гули бўлган 82 минг коммунист фронтга жўнаб кетди. Коммунистлар ҳамма синовларда меҳнат ва уруш майдонидаги ҳамма жанглардан тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланиб, тағин ҳам кўпроқ тобланиб чиқдилар.

Партиямиз ва ҳукуматимиз кўпгина атоқли арбобларининг номлари Совет Қозоғистонининг ва республика Коммунистик партиясининг тарихи билан чамбарчас боғланган.

Ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида Қозоғистон Коммунистик партияси республика меҳнаткашларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш учун курашга уюштирмоқда, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларни ҳар доим совет ватанпарварлиги, халқларнинг бузилмас дўстлиги, буржуа идеологиясига, одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларига муросасиз бўлиш руҳида тарбияламоқда.

Партия сафларида янги типдаги кишилар, ишчилар синфининг иши учун, коммунизм идеаллари учун мардонавор ва забардаст курашчилар ўсиб етишди. Партия раҳбарлигида социалистик индустрия гуркираб ривожланиши билан бирга Қозоғистоннинг шонли ишчилар синфи, янги типдаги қишлоқ меҳнатчиси камол топди, илғор совет зиёлилари вужудга келди. 1928 йилда республика халқ хўжалигида 200 мингдан сал кўпроқ ишчи ва хизматчи ишлаган бўлса, ҳозирги вақтда тўрт ярим миллион ишчи ва хизматчи ўзининг бутун талантини ва истеъдодини, ўзининг бутун кучини коммунистик қурилишнинг буюк муштарак ишига сарфламоқда.

Ҳозирги кунда Қозоғистоннинг ажойиб кадрлари бор. Унинг саноатида ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, маданият майдонида ҳам — ҳамма жойда ўз ишининг ташаббускорлари ва миришкорлари, социалистик юртнинг чинакам ватанпарварлари бўлган кишилар меҳнат қилмоқда, уларнинг номлари билан биз ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Коммунистик меҳнат илғорлари — бизнинг тинчлик давримиздаги гвардиямиздир, совет халқининг олтин фондидир. Партия уларнинг тажрибасига таяниб, шу тажрибани ўрганиб, оммага ёйиб, бутун мамлакатнинг коммунизм сари олға боришини тезлаштирмоқда.

Омма билан чамбарчас алоқада бўлиш партиямизнинг кучи эканлигини СССР Олий Советига яқинда ўтказилган сайлов яна бир марта яққол намойиш қилди. Партия халқ билан бузилмас бирликни мустаҳкамлайди ва ундан зўр қувват, букилмас ирода ва куч олади. Бу бирлик — барча ютуқларимиз ва барча ғалабаларимизнинг гарови.

Партиямизнинг ғоявий ва ташкилий бирлигини ҳар доим мустаҳкамлаш, партиямизнинг марксизм-ленинизм принципларига содиқлиги коммунистларнинг халқ ишончига муносиб эканликларини кўрсатувчи, улар ҳақиқатан социалистик жамиятимизнинг раҳбар етакчи кучи эканликларидан далолат берувчи энг яхши гарантиядир.

КПСС Марказий Комитети Қозоғистон коммунистларини республика Коммунистик партиясининг эллик йиллиги билан чин кўнгилдан қутлайди. Сиз азиз ўртоқларга коммунизм қуриш улуғ ишида янги катта ютуқлар, янги шонли ғалабалар тилаймиз.

Ўртоқлар, энди ҳозирги халқаро вазият тўғрисида бир икки оғиз гапириб ўтишга руҳсат бергайсиз.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий йўли, унинг бош йўли ўзларингизга яхши маълум. Бу йўлларни партия XXIII съезди аниқ белгилаб берган ҳамда КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати ўз ишида изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Социалистик давлатларнинг қардошлик иттифоқи тобора мустаҳкамланмоқда, улар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик активлашмоқда ва чуқурлашмоқда. Бутун дунёдаги революцион, озодлик, антиимпериалистик кучлар билан интернационал дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз муваффақиятли ривожланмоқда. Шу жиҳатдан қараганда Вьетнам халқининг Америка агрессиясига қарши қаҳрамонона курашини ҳамда араб мамлакатларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш ва Яқин Шарқда адолатли тинчлик ўрнатиш учун олиб бораётган курашини қувватлашимиз биринчи даражадаги аҳамиятга эга. Биз империалист агрессорларнинг ёвуз ниятларини фош қилиш ва барбод қилишга, халқаро муносабатларда давлатларнинг ижтимоий тузумидаги фарқидан қатъий назар тинч-тотув яшаш принципларини ўрнатишга қаратилган йўлимизни оғишмай ўтказиб келмоқдамиз.

Ҳозир мен халқаро ҳаётда кейинги вақтларда бўлиб ўтган икки воқеага: СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида 12 августда Москвада имзоланган шартнома тузилганлигига ва БАР ҳамда Иордания билан Исроил ўртасида ўт очишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги битим яқинда кучга кирганлиги муносабати билан Яқин Шарқдаги аҳволга конкрет тўхталиб ўтмоқчиман.

Германия Федератив Республикаси билан тузилган шартномани биз жуда муҳим воқеа деб баҳолаймиз. Бу воқеа мазкур шартнома кучга кириши билан иккала мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учунгина эмас, шу билан бирга Европадаги бутун халқаро вазият учун ҳам ҳозирги вақтда ва келгусида катта ижобий аҳамиятга эга бўлади.

Совет Иттифоқи тўғрисида гапирадиган бўлсак, икки ўртадаги келишув партиямиз изчил сиёсий йўлининг натижаси, Совет давлати ва у билан иттифоқчи социалистик мамлакатларнинг узоқ вақт зўр бериб қилган ҳаракати натижаси. Европада иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатишга, совет халқининг Улуғ Ватан урушида олиб борган қаҳрамонона кураши якунларини, Европа халқларининг антифашист, озодлик кураши ғалабаларини мустаҳкамлашга, Европадаги барча мамлакатларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлиги асосларини вужудга келтиришга қаратилган сиёсатимизнинг натижасидир.

Германия Федератив Республикаси билан шартнома тузилиши Европада кескинликни юмшатиш, Европадаги барча давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва самарали ҳамкорлиги ишига, шубҳасиз, қўшилган катта ҳиссадир. Бу шартномада Европадаги мавжуд чегараларни, шу жумладан Польша Халқ Республикасининг ғарбий чегараси бўлмиш Одер-Нейсе чизиғидан ўтган чегара ва Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги чегаралар аниқ-равшан ва қатъий эътироф этилади.

Германия Федератив Республикаси тўғрисида гапирадиган бўлсак, ГФР ҳукуматининг шартномани пироварди ишлаб чиқиш вақтида масалага реалистик тарзда ёндошганлигини шубҳасиз, қадрлаймиз. Биз кескинликни юмшатиш, барча давлатлар билан, шу жумладан Германия Федератив Республикаси билан ҳам яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш тарафдори эканлигимизни доим айтиб келдик. Биз Германия Федератив Республикасининг сиёсатида реализм сари бурилиш бўлишини табриклаган бўлур эдик ва унга тегишли жавоб беришга шай бўлиб турамиз, деган эдик. ГФР ҳукуматининг ҳозир Европадаги сиёсий реал ҳолатларни музокараларимиз якунларида. Совет—Ғарбий Германия шартномаси текстида акс эттирилган тарзда эътироф этганлиги тўғри йўлдан қўйилган оқилона қадам эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Икки ўртада тузилган шартнома ҳар иккала мамлакат томонидан ратификация қилиниб, кучга кирганида ўзининг барча имкониятларини очиб беради, албатта. Биз Москвадаги музокаралар вақтида бошланган оқилона иш муваффақиятли суратда тугалланади ва ҳар иккала давлатимизнинг манфаатлари ва Европада тинчлик иши манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожлантирилади, деб умид қилишни истар эдик.

Ниҳоят, яна бир муҳим ҳолатни таъкидлаб ўтиш зарур. Германия Федератив Республикаси ҳукумати билан бир неча ой мобайнида олиб борилган музокаралар натижасида Европа халқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшилди. Бу ҳисса аслини олганда Варшава Шартномасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар биргаликда ўтказиб келаётган сиёсат натижасидир. Биз ана шу ягона сиёсатни дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз билан биргаликда ишлаб чиқдик ва бир-биримиз билан маҳкам алоқа боғлаб ўзаро ҳамжиҳат бўлиб, бу сиёсатни амалга ошириб келмоқдамиз.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг яқинда Москвада бўлиб ўтган мажлиси бирлигимизни ифода этувчи янги далил бўлди. Бу мажлисда актуал халқаро масалалар қараб чиқилди. Мажлисда Европада социализм, тинчлик кучларини ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам биргаликда кураш олиб боришга қарор берганлигимиз таъкидлаб ўтилди. Мажлис қатнашчилари жумладан, Европа хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга, шунингдек Умумевропа кенгашининг чақирилишига актив ёрдам берамиз, дедилар.

Шундай қилиб, ўртоқлар, бизнинг давримизда жаҳон социалистик системаси тинчлик ва халқаро хавфсизликнинг асосий таянчи эканлиги, социализм мамлакатларининг сиёсати эса пировардида қитъамиздаги барча халқларнинг туб ҳаётий манфаатларига мос эканлиги яна бир марта тасдиқланди.

Яна бир ҳолатга эътиборингизни жалб этмоқчи бўламан.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида шартнома имзоланганлиги муносабати билан империалистик мамлакатларнинг матбуоти ҳар қандай уйдирма ва тўҳматларни кўп босиб чиқармоқда. Масалан, Совет Иттифоқи шартнома имзоланиши билан «Хитойга тазйиқни кучайтириш учун Шарқда эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлди» деб даъво қиладилар.

Бу хусусда нима дейиш мумкин?

Маълумки, Ғарбдаги империалистик доираларда Совет Иттифоқини Хитой Халқ Республикаси билан тўқнаштиришни астойдил истаётган ва бундан фойдаланиб қолишга интилаётган арбоблар оз эмас, албатта. Аммо бу жаноблар янглишаётган бўлсалар керак. Улар ўз мўлжаллари социалистик давлатимиз сиёсатининг асл мақсадлари ва принципларини тушунмасликка — ёки, аниқроғи, қасддан бузиб кўрсатишга асосланиб қурилган.

Хитой билан муносабатлар масаласида бизнинг сиёсатимиз тамомила равшан ва ҳаммага аёндир. Менга бу хусусда бир неча марта гапиришга тўғри келган эди. Биз Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг нормаллаштирилиши ҳар иккала мамлакатларимизнинг манфаатларига, жаҳон социализм системаси ва барча мазлум халқларнинг революцион, озодлик ҳаракати манфаатларига, умумий тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушишини яхши биламиз.

Биз ўз Ватанимизнинг миллий манфаатларини ва Совет халқининг хавфсизлигини заррача қурбон қилмаймиз. Биз социалистик мамлакатлар ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг мустаҳкам марксизм-ленинизм асосидаги жипслиги учун бундан буён ҳам тинмай курашаверамиз. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ана шу принципиал йўлга амал қилиб, СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги давлат муносабатларини нормаллаштиришгагина эмас, балки Совет ва Хитой халқлари ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстликни тиклашга, уларнинг куч-ғайратини империализм ҳамда реакцияга қарши курашда бирлаштиришга бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёрдир.

Сизларга маълумки, ҳозирги вақтда Пекинда ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муҳим проблемалари юзасидан СССР ва Хитой Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокаралар давом этмоқда. Музокаралар секин бормоқда, аммо биз умидимизни йўқотганимиз йўқ, муҳокама этилаётган масалаларни ўзаро мақбул асосда ҳал этиш йўлларини қидириб топишга интилиб, масалага чидам билан ва конструктив тартибда ёндошмоқдамиз ва ёндошаверамиз. Хитой томони ҳам худди шундай иш кўришига ишонч ҳосил қилишни истар эдик, чунки музокараларнинг муваффақиятли тугалланиши СССРнинг манфаатларига қай даража муносиб бўлса, Хитой манфаатларига ҳам шу қадар мос бўлиб тушади, деб ҳисоблаймиз.

Яқин Шарқдаги аҳвол аввалгидек ҳозирда ҳам жиддий эътиборга сазовордир. Исроил агрессиясини ва араб давлатларига қарши уч йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган ҳарбий иғвогарликларни халқаро империалистик доираларнинг Бирлашган Араб Республикасидаги ва бошқа араб мамлакатларидаги прогрессив режимларни тугатиш, умуман миллий озодлик ҳаракатига зарба бериш ниятлари тақозо этган эди. Араб мамлакатларининг қатъий, мардона позицияси туфайли ва социализм мамлакатлари ҳамда бошқа тараққийпарвар кучларнинг актив қўллаб-қувватлаши туфайли ана шу ниятлар барбод этилди.

Яқин Шарқдаги можаро пайдо бўлиши биланоқ Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан маҳкам алоқа боғлаб ҳаракат қилиб, можарони ҳаққоний асосда сиёсий йўл билан бартараф қилишга ҳамиша интилиб келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюцияси шундай асос беради.

Совет ҳукумати Яқин Шарқда ҳаққоний ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишни агрессорни қилган жинояти учун бирон тарзда мукофотлаш ҳисобига таъминлаш мумкин эмас, деган фикрга асосланиб келди ва асосланмоқда. Исроил агрессиясининг барча оқибатларини тамомила тугатиш йўли билангина, жумладан, Исроил қўшинларининг ҳаммасини улар босиб олган барча территориялардан олиб чиқиб кетиш натижасидагина бундай тинчликни таъминлаш мумкин. Биз ана шу райондаги барча давлатларнинг миллий ҳуқуқлари, хавфсизлиги, мустақиллигини таъминлаш, шу жумладан, Фаластиндаги араб халқининг ҳаққоний ҳуқуқларини таъминлаш тарафдори бўлиб келдик ва ҳозирда ҳам бунга тарафдормиз.

Маълумки, Бирлашган Араб Республикаси ва Иордания ҳукуматлари 8 августда қуролли ҳаракатларни уч ой тўхтатишга рози эканликларини билдирдилар. Ана шу давр ичида Яқин Шарқ можаросини ўзаро мақбул асосда сиёсий жиҳатдан бартараф қилиш йўлларини қидириб топиш учун яна ҳаракат қилиб кўрилиши назарда тутилади. Бирлашган Араб Республикаси ва Иордания Яқин Шарқдаги аҳволни тартибга солиш йўлларини муҳокама қилмоқ учун ўз вакилларини белгиладилар.

Араб давлатларининг ана шу хатти-ҳаракатлари Исроилдаги ҳукмрон доираларни ҳам ўт очишни тўхтатиш учун розилик беришга ва гарчи тил учида бўлса ҳам, Хавфсизлик Кенгаши резолюцияси моддаларини бажаришга тайёр эканлигини биринчи марта изҳор қилишга мажбур этди. Томонларнинг вакиллари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош секретарининг вакили Ярринг орқали гўё биринчи марта учрашаётгандек туюлади.

Совет Иттифоқи воқеаларнинг бундай боришига табиий, ижобий баҳо беради. Бизнинг мамлакатимиз Хавфсизлик Кенгаши томонидан Яррингга топширилган вазифа самарали бажарилиши лозим, деб ҳамиша қаттиқ талаб қилиб келди.

Совет Иттифоқида атоқли давлат арбоби президент Жамол Абдил Носир бошчилигидаги Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг бу масаладаги конструктив позициясидан қаноат ҳосил қилинганлиги изҳор этилди. Биз яқинда — Москвада Жамол Абдил Носир билан самимий, дўстона ва фойдали суҳбат қилган эдик.

Ҳозирги вақтда Яқин Шарқ можаросини бартараф қилишга реализм ва жавобгарликни сезиш позициясида туриб ёндошиш учун имконият бор. Ҳозирги вақтда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни четлаб ўтиш ёки бузишга қаратилган янги иғвогарлик ва ҳийла-найранглар эмас, балки ўзаро келишиб олинган битимга соф виждон билан риоя қилиш ва тинчлик манфаатлари йўлида амалий қадамлар қўйиш керак. Кейинги йиллар мобайнида ўз хоҳиш-иродасини зўравонлик билан араб мамлакатларига қабул қилдиришга уринган ва агрессив ҳаракатлар қилган кишилар яхши ўйлаб кўриб, умумий тинчлик иши учун хатарли бўлган ана шу истиқболсиз, авантюристик ва хатарли йўлдан воз кечишлари керак.

Бизнинг қатъий фикримизча, Яқин Шарқдаги можаронинг тўхтатилиши араб мамлакатларининг ҳам, Исроилнинг ҳам ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди. Араб халқларига миллий экономикани прогрессив тараққий эттириш ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш учун тинчлик зарур. Исроилнинг қўшни араб мамлакатлари билан олиб бораётган уруши эса Исроил учун истиқболсиз бўлибгина қолмай, балки шу мамлакатнинг бундан буёнги тақдири учун ҳам ғоят хатарлидир.

Яқин Шарқда ҳозирча тинчлик сари бир неча қадам қўйилди, холос, аммо бу қадам ҳам уруш ҳаракатларини давом эттириш тарафдорларининг, агрессив йўлга тарафдор бўлган барча кишиларнинг кескин қаршилигига дуч келди. Ҳозирги вақтда Яқин Шарқдаги тинчликсевар кучларнинг можарони бартараф қилиш ишида ташаббусни ўз қўлларидан бермасликлари ва тинчлик душманларининг тузилган битимни парчалаб ташлашларига ёки ундан ўзларининг босқинчилик ниятларини ниқоблаш учун фойдаланишларига йўл қўймасликлари ғоят муҳимдир.

(Охири учинчи бетда).

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқининг охири

(Боши 1, 2- бетларда).

Халқларнинг муштарак манфаатларини кўзда тутиб, Яқин Шарқ танглигини бартараф қилиш учун, ўт очишнинг тўхтатилиб туриши Яқин Шарқда узоқ давом этадиган ҳаққоний, мустаҳкам тинчлик йўлида яхши асос бўлиб қолиши учун ҳамма чораларни кўриш лозим. Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш кераки, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ленинча сиёсатига содиқ бўлган Совет Иттифоқи агрессорларга зарба бериш, уруш ва ҳарбий хавф ўчоқларини тугатиш ва умумий тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бериш учун бундан буён ҳам қўлидан келган ҳамма ишларни қилади.

Азиз ўртоқлар!

Совет Қозоғистони ва республика Компартиясининг 50 йиллиги нишонланаётган шу тантанали кунда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Қозоғистон меҳнаткашларининг коммунистик қурилишдаги хизматларига юксак баҳо берганликларини сизларга маълум қилиш билан ғоят мамнунман. СССР Олий Совети Президиуми Қозоғистон Совет Социалистик Республикасини Октябрь революцияси ордени билан мукофотлади. СССР Олий Совети Президиуми Фармонининг текстини ўқиб беришга ижозат бергайсиз.

(Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб беради.

Республика раҳбарлари ва меҳнат илғорлари саҳнага чиқадилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида Октябрь революцияси орденини Қозоғистон ССР байроғига қадаб қўяди).

Азиз дўстлар дейди Л. И. Брежнев, Қозоғистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини катта ва муносиб мукофот билан чин кўнгилдан табриклашга ва уларга янги-янги муваффақиятлар ҳамда бахт-саодат тилашга ижозат бергайсиз.

Азиз ўртоқлар!

Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашларини социалистик Ватанимиз манфаатлари йўлида қилаётган оғир ва олижаноб ишларида энг яхши муваффақиятларга эришувларини тилашга яна бир марта ижозат бергайсиз!

Партия Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, Қозоғистон меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямай кураш олиб борадилар, КПССнинг бўлажак XXIV съездини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар.

Яшасин Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин Қозоғистон Коммунистик партияси!

Яшасин Улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин совет халқини комил ишонч билан коммунизм ғалабаси сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг якунловчи сўзларини ўринларидан туриб, гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

ҚАҲРАМОНОНА КУРАШ ВА БУНЁДКОРЛИК МЕҲНАТИНИНГ ЯРИМ АСРИ

(Боши биринчи бетда).

28 августда Олмаотада Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитети билан Қозоғистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда партия, совет, жамоат ташкилотларининг ва Совет Армияси жангчиларининг вакиллари қатнашди. В. И. Ленин номидаги Саройнинг байрам тусида безатилган кенг зали Совет Қозоғистонининг шонли ярим асрлик тарихини яратган республика меҳнаткашларининг вакиллари билан лиқ тўлди. Бу ерда Совет ҳокимиятини курашиб қўлга киритган, жангларда ва меҳнатда ўзининг қаҳрамонона ишлари билан Ватан шуҳратини оширган кишилар — ишлаб чиқариш илғорлари, республиканинг донгдор кишилари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари тўпланишди.

... Эрталаб соат 10. Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов ўртоқлар, Қозоғистон партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, тантаналарда қатнашиш учун келган делегацияларнинг раҳбарлари, ҳарбий саркардалар гулдурос қарсаклар остида президиумдан жой оладилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев тантанали мажлис қатнашчиларига мурожаат қилиб, ўзининг кириш нутқида бундай деди:

Улуғ Октябрь янгидан ҳаёт бағишлаган қадимий ва гўзал қозоқ диёрида катта ва қувончли байрам. Совет Қозоғистонининг меҳнаткашлари кўп миллатли улуғ Ватанимиздаги барча халқлар билан биргаликда Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ва Қозоғистон Компартиясининг 50 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқдалар.

Республика меҳнаткашлари шу кунларда буюк революцион зафарларнинг якунларини, ярим аср мобайнида бажарилган ишлар ва эришилган ютуқларнинг якунларини тўпламоқдалар ва жонажон партия теварагига жипслашганликларини, коммунизм тантанаси йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун шай бўлиб турганликларини янада зўр куч билан намойиш қиладилар.

Улуғ Октябрь қозоқ халқига сиёсий, иқтисодий ва маданий юксалиш йўлини очиб берди. Илгари чор Россиясининг қолоқ четка ўлкаси бўлмиш қозоқ эли Коммунистик партия раҳбарлигида, мамлакатимиздаги бошқа халқларнинг ва аввало, рус халқининг қардошларча ёрдами билан яшнаб турган ўлкага, индустрияси ғоят юксалган, механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий ва мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган республикага айланди.

Бу давр қозоқ халқи ва Қозоғистоннинг барча меҳнаткашлари учун коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ажойиб зафар ва ғалабалар даври бўлди.

Бизнинг халқимиз ўзининг минг-минглаб энг яхши ўғил ва қизларининг жанговар ва меҳнат жасоратини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Уларнинг кўпи революция учун олиб борилган жангларда, граждан уруши ва Улуғ Ватан уруши майдонларида мардона курашиб ҳалок бўлди. Улар меҳнаткаш халқнинг бахт-саодати учун, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун жонларини фидо қилдилар.

Ўртоқ Кунаев шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммасидан ўз ўринларидан туриб, ҳалок бўлган жангчилар хотирасини ҳурматлаб эсга олишни илтимос қилади.

Сўнгра ўртоқ Кунаев бундай дейди: Биз ўз байрамимизни Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллиги йилида нишонламоқдамиз. Қозоқ халқи ўзининг барча буюк муваффақиятлари ва ғалабалари учун доҳиймиз ва устозимиздан, у вужудга келтирган ва чиниқтирган Коммунистик партиядан миннатдордир.

Партиямиз ва унинг жанговар штаби — Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашган Қозоғистон коммунистлари, республиканинг барча меҳнаткашлари Ленин номини дилга жо қилиб, Ильич кўрсатиб берган йўлдан комил ишонч билан олға бормоқдалар, унинг улуғ васиятларини муқаддас билиб, ҳамма ишда ва ҳар қачон бу васиятларга амал қилмоқдалар.

Биз ҳозирги тантанали кунда республикамизнинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда доим, ҳар томонлама ва бебаҳо ёрдам бераётганликлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Марказий Комитетга, Совет ҳукуматига, барча қардош иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашларига чин кўнглимиздан ташаккур изҳор қиламиз.

Биз халқимиз деб қилган ҳамма ишларимиз учун сизларга, ака-ука ва опа-сингилларга, русларга, украинларга, белорус ва ўзбекларга, қирғиз ва тожикларга, туркман ва литваликларга, латиш ва эстонларга, озарбайжон ва арманларга, молдаван ва грузинларга ҳам чин кўнглимиздан катта раҳмат деймиз!

Партиямиз ва Совет давлатимизнинг, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев байрамимизда қатнашиш учун келганлигини қайд қилиб ўтиш биз учун ғоят қувончли ва ёқимлидир.

Совет халқи Леонид Ильични толмас ва содиқ ленинчи деб билади. Леонид Ильич партиямиз Марказий Комитетига бошчилик қилиб, ўз куч ғайрати ва соғлиғини аямай, коммунистларни ва барча совет кишиларини ленинча бош йўлни муваффақиятли амалга ошириш учун сафарбар қилиш йўлида қизғин ташкилотчилик иши ва сиёсий иш олиб бормоқда.

Леонид Ильич, иш билан ғоят банд бўлишингизга қарамай, хурсандчилигимизни баҳам кўра олганлигингиз биз учун жуда ёқимлидир. Биз зўр ифтихор билан шуни қайд қиламизки, сиз партиянинг ҳохиш-иродасини бажариб, республикамиз тараққиётининг масъулиятли даврларидан бирида, бизда миллион-миллион гектар қўриқ ер ўзлаштирилган пайтда Қозоғистон Коммунистик партиясига етакчилик қилдингиз. Сиз толмас, жўшқин фаолиятингиз билан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга, Совет Қозоғистонининг бутун экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга шахсан жуда катта ҳисса қўшдингиз.

Қозоқ халқи, республикамизнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари сизни ғоят иззат-ҳурмат қиладилар. Қозоқ эли барча меҳнаткашларининг қалби сиз учун очиқ. Улар сизни энг азиз меҳмонимиз сифатида қизғин ва самимий табриклайдилар!

Ўртоқлар, барча қардош иттифоқдош республикаларнинг делегациялари, шунингдек Москва ва Ленинград делегациялари тантаналаримизга келишди.

Биз Советлар мамлакати халқларининг мустаҳкам ҳамдўстлигидаги тенгларнинг биринчиси бўлган Россия Федерацияси вакилларини қизғин табриклаймиз. Қозоқ халқи 200 йилдан кўпроқ вақт илгари ўз тақдирини улуғ Россия билан боғлади. Чашма сувидек мусаффо ва тош метиндек мустаҳкам дўстлигимиз, замон синови ва жиддий синовлардан ўтган бу дўстлик бузилмас дўстликдир. Большевиклар партияси раҳбарлигидаги рус ишчилар синфи Улуғ Октябрь байроғини баланд кўтариб, Россиядаги барча халқлар каби қозоқ халқига ҳам социал тараққиёт, озодлик ва бахт йўлини кўрсатиб берди. Социалистик қурилишда Совет Қозоғистонига кўрсатиб келаётган беғараз ёрдами учун улуғ рус халқидан абадий миннатдормиз. Улуғ Ватан уруши йилларида қозоқ халқининг фарзандлари рус оға-инилари билан бир сафда ёнма-ён туриб Ватанимизнинг шарафи, озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилдилар. Жанг майдонларида биргаликда тўкилган қон улуғ дўстлигимизни янада жипсроқ мустаҳкамлади. Азиз рус биродарларимиз, сиз қалб саховатингиз билан берган ҳамма нарсангиз учун самимий чуқур миннатдорчилигимиз ва самимий ташаккуримизни қабул қилгайсиз.

Байрамимизга келган Россия Федерациясининг РСФСР Олий Совети Президиуми Раиси М. А. Яснов бошчилигидаги делегациясини бутун қалбимиздан табриклаймиз.

Бизнинг тантаналаримизда Ватанимизнинг пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москванинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги делегацияси қатнашмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир меҳнаткаши учун Москва — Ватан тимсоли, Ватанимизнинг қалбидир. Ер куррасида Москвадан кўра муқаддасроқ, қадрдонроқ ва жонажонроқ шаҳар йўқ, халқимизнинг ўй ва орзулари ҳамиша Кремлга қаратилган.

Улуғ Октябрнинг бешиги — Ленин шаҳрига меҳру муҳаббат туйғулари қалбларимизда абадий сақланади. Биз бу улуғ қаҳрамон шаҳарнинг меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов бошчилигидаги делегациясини кутлашдан хурсандмиз.

Беш йилликлар даврида Ленинград Қозоғистонни оталикка олган эди. Қозоғистоннинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришга ленинградликлар қўшган ҳиссани республикамизнинг меҳнаткашлари ҳеч қачон ёдларидан чиқармайдилар.

Биз Қозоғистоннинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга кўрсатган қардошларча, бебаҳо ёрдами учун барча москваликлар ва ленинградликларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни топширишингизни сўраймиз.

Украин халқининг Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. П. Ляшко бошчилигидаги делегацияси байрамимизга ташриф буюрди.

Қозоғистон меҳнаткашлари меҳнатсевар украин халқи билан азалдан анъанавий дўст тутинганлар. Бу дўстликнинг сарчашмалари чоризм зулмати йилларида қозоқ диёрида улуғ кўбизчи Тарас Григорьевич Шевченко шу дўстликнинг уруғларини сепган даврларга бориб тақалади.

Қозоғистон чўлларида Днепр бўйларидан кўчиб келган кишилардан ғаллачилик тажрибасини ўрганиб олиндики, қозоқ диёрида деҳқончиликни ривожлантиришда бу тажриба катта роль ўйнади. Бугунги кунда ҳам поёнсиз Қозоғистонда украин халқининг неча ўн минглаб ўғил-қизлари самарали меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунизм қурилиши умумий ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Меҳмонлар орасида қаҳрамон белорус халқининг вакилларини кўришдан ғоятда хурсандмиз. Бу делегацияга республика Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев бошчилик қилмоқда.

Қозоқ халқи Совет Белоруссиясининг меҳнаткашлари билан азалдан биродардир. Бу биродарлик коммунизм тантанаси учун биргаликда олиб борилган кураш ва меҳнатда мустаҳкамланган. Улуғ Ватан уруши йилларида белорус халқининг бошига тушган оғир синовларни билмайдиган киши Қозоғистонда йўқ.

Қардошларимиз — украин ва белорусларга қозоқ халқининг сидқидилдан қизғин саломларини топширишга рухсат бергайсиз.

Меҳмонлар орасида саховатли қўшниларимиз ҳам бор. Биз КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон меҳнаткашлари делегациясини, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев бошчилигидаги Қирғизистон делегациясини, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов бошчилигидаги Тожикистон делегациясини, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғафуров бошчилигидаги Туркманистон делегациясини табриклашдан хурсандмиз.

Бизни қон-қардош қилган нарса географик жиҳатдан яқинлик, маданиятларимизнинг асрлардан бери муштарак бўлиб келганлигигина эмас, шу билан бирга даставвал халқларимиз тарихий тақдирларининг умумийлиги, қўлни-қўлга бериб Ленин йўлидан, коммунизм йўлидан бораётган муштарак мақсадимиздир.

Шу тантанали кунда қувончимизга шерик бўлган ўзбек, қирғиз, тожик ва туркман халқларига Қозоғистон меҳнаткашлари номидан самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

Қозоғистонни Кавказ, Болтиқ бўйи ва Молдавиядан минглаб километр масофа ажратиб туради. Лекин Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Латвия, Литва, Эстония ва Молдавия халқлари билан дўстлигимизни ҳеч қандай масофа бузишга қодир эмас.

Улар Улуғ Ватанимиздаги бошқа халқлар сингари Қозоғистоннинг коммунистик қурилишда эришаётган ғалабаларига саховат билан ёрдам бериб келдилар ва ёрдам бермоқдалар.

Коммунистик қурилишимизнинг барча босқичларида Қозоғистонга кўрсатган қардошларча ёрдамлари учун Закавказье, Болтиқ бўйи ва Молдавия республикалари делегацияларининг раҳбарлари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарилари Г.А. Алиев, А. Е. Кочинян, А. Э. Восс, И. Г. Кэбин, И. И. Бодюл ва Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускас бизнинг самимий миннатдорчилигимизни қабул қилиб, ўз халқларига етказишларини сўрайман.

Делегациялар составида Татаристон Автоном Республикаси область партия комитетининг биринчи секретари Ф. А. Табеев, Бошқирдистон Автоном Республикаси область партия комитетининг биринчи секретари М. З. Шокиров, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, шунингдек Чечен-Ингуш Автоном Республикасининг вакили бизга меҳмон бўлиб келишди. Тақдирларимизнинг тарихан муштараклиги, коммунизм тарихи бизни шу республикаларнинг халқлари билан боғлайди. Татаристон, Бошқирдистон, Қорақалпоғистон ва Чечен-Ингуш Автоном Республикаларининг меҳнаткашларига самимий саломимизни топширишга рухсат этгайсиз.

Бугун биз Оренбург область партия комитетининг биринчи секретари А. В. Коваленко орқали шу область меҳнаткашларини ҳам табриклашдан хурсандмиз. Оренбург Қозоғистон Республикасининг биринчи пойтахти бўлган эди. Биз Оренбург области меҳнаткашлари билан қадимдан анъанавий алоқа боғлаб келмоқдамиз.

Бизнинг тантаналаримизда шонли саркардалардан бири, мамлакатимиз мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко қатнашмоқда. Ўртоқ Маршал, сиз орқали шонли Қуролли Кучларимизни қизғин табриклаймиз.

Меҳмонларимиз орасида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников бор.

Халқимизни ҳурмат қилиб тантаналарда қатнашаётганлигингиз учун, азиз Леонид Ильич, қадрли меҳмонларимиз, сизларга яна бир бор катта раҳмат айтаман.

Д. А. Кунаев Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан барча қозоғистонликларни — ишчилар, колхозчилар, совет зиёлиларини, коммунистлар ва комсомолларни, йигит-қизларни байрам билан самимий қутлаб уларга сиҳат-саломатлик ва улуғ Ватанимизнинг бахт-саодати учун меҳнат қилишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди. Залда гулдурос қарсаклар узоқ давом этади.

Тантанали мажлис очиқ деб эълон қилинади. СССР ва Қозоғистон ССР давлат гимнлари янграйди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг Ленин ордени тақилган байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Советининг эсдалик байроғи тантанали марш садолари остида залга олиб кирилаётганида ҳамма ўрнидан туради.

Қозоғистон ССР Олий Советининг Раиси Ш. Е. Есенов «Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси билан Қозоғистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги» тўғрисида доклад қилиш учун Д. А. Кунаевга сўз беради.

Советлар мамлакати ва жаҳон пролетариатининг гениал йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин ва Россия Марказий Ижроия Комитетининг раиси Михаил Иванович Калинин, деди Д. А. Кунаев, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасини тузиш тўғрисидаги тарихий декретни имзолаган кунга эллик йил тўлди. Ўша куни илгари эзилган, жафокаш қозоқ халқининг кўп асрлик тарихида янги, порлоқ саҳифа очилди.

Қозоғистон республикасининг ярим асрлик юбилейи Қозоғистон Коммунистик партиясининг эллик йиллиги билан бир вақтга тўғри келди. Қозоғистон республикасининг эллик йиллиги республикамиз меҳнаткашлари учунгина эмас, балки мамлакатимиздаги бошқа халқлар учун ҳам катта ва қувончли воқеадир. Совет Қозоғистони ленинча миллий сиёсат туфайли вужудга келди. Совет Қозоғистони СССРдаги барча халқлар дўстлиги, қардошлиги ва ўзаро ёрдами тантана қилганлигини яққол ифода этади. Бизнинг муваффақиятларимизни қардош халқларнинг муваффақиятларидан ажратиш асло мумкин эмас. Шу сабабли бизнинг байрамимиз, деб таъкидлади докладчи, қозоқ халқинингина эмас, балки улуғ Совет мамлакатидаги барча халқларнинг ҳам байрамидир.

Сўнгра нотиқ бундай деди: Улуғ Октябрь социал ва миллий зулм кишанларини парчалаб ташлаб, қозоқ халқининг тақдирида ҳам туб ўзгариш ясади, қозоқ халқининг социализм йўлидаги иқтисодий ва маданий тараққиёти учун чексиз имкониятлар яратиб берди.

Ильичнинг қозоқ халқи тўғрисида, унинг ҳаётини социалистик негизда қайта қуриш ҳақида оталарча ғамхўрлик қилганлигини кўрсатувчи неча юзлаб ҳужжатлар тарихда сақланиб қолган. Республикамизнинг меҳнаткашлари навқирон Қозоғистон республикасининг бешигини тебратган улуғ Ленинидан абадий миннатдордир.

Қозоғистонда социализм қурилиши мамлакатимиздаги социализм қурилишининг таркибий қисми бўлди. Партиямизнинг Марказий Комитети ва Совет ҳукумати барча сиёсий, хўжалик проблемалари ва социал-маданий проблемаларни ҳал этишда, янги ҳаёт қурилишида республикага жуда катта ёрдам беришди. Партия ва совет давлати урушдан аввалги беш йилликлар даврида республикамизда оғир индустриянинг тўнғич гигантларини қуриш учун жуда кўп маблағларни қидириб топа олдилар. 10-12 йил мобайнида Қозоғистоннинг саноат потенциали уч баравар кўпайди. Қозоғистон индустриал-аграр республика бўлиб қолди.

Қозоғистонда совет ишчилар синфи катта отрядининг, миллий кадрларининг вужудга келганлиги саноат тараққиётининг энг муҳим социал якунидир. Кечаги кўчманчилар янги техникани эгалладилар ва образли қилиб айтганда, жаҳолат ҳукмронлигидан, ўрта асрчиликдан бирданига социализм сари отланди.

Ленинча кооператив планига мувофиқ, қишлоқ ва овулларда чинакам революцион ўзгариш амалга оширилди.

Бизнинг партиямиз, деб сўзини давом эттирди докладчи, завод ва фабрикаларни, шахта ва конларни қуриб, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда ўзгартиргани ҳамда қозоқ халқи маданиятини юксалтиришни ҳам ҳеч қачон эсидан чиқармади. Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин атиги 10-15 йил ўтиши биланоқ республикада катта ёшдаги кишиларнинг саводсизлиги тугатилди, минг-минглаб мактаб бинолари қурилди, дастлабки олий ўқув юртлари, СССР Фанлар академиясининг филиали ташкил этилди, миллий совет зиёлилари вужудга келди. Бутун жаҳон қозоқ миллий адабиёти ва санъати мислсиз юксалганлигининг шоҳиди бўлди.

Қозоқ социалистик маданияти қардош халқлар ва аввало рус халқи маданиятидан айрим ҳолда эмас, балки бу маданиятлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ривожланди.

Қозоқ халқи капитализм шароитида эмас, балки социализм даврида бир миллат бўлиб уюшди.

Қозоқ халқи, кўп миллатли Қозоғистоннинг барча меҳнаткашлари бутун бир тарихий даврни ҳатлаб ўтиб, социализмга келдилар, капиталистик тараққиётнинг уқубатли босқичини четлаб, Ватанимиздаги барча халқлар билан биргаликда социализмга келдилар.

Қозоғистоннинг барча ўғил ва қизлари даҳшатли уруш йилларида бутун совет халқи билан биргаликда севикли Ватанимизни ҳимоя қилишга отланди.

Қозоғистон урушдан кейинги даврда халқ хўжалигини тинч қурилиш даврига мослаб қисқа вақт ичида қайта қурди ва бутун мамлакат билан биргаликда янада тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Бепоён районларда янги саноат комплекслари вужудга келди, саноатнинг янги тармоқлари пайдо бўлди, индустриянинг янги гигантлари қурилди, гидроэлектростанциялар ва иссиқлик электр станциялари қад кўтарди, неча минг километр узунликда темирйўл ва тош йўллар қурилди. Яқин ўтмишда патриархалчилик, ярим ёввойилик ва чинакам ёввойилик ҳукм сурган ўлкада эндиликда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 132 баравар кўпайди. Қозоғистон муҳри босилган буюмлар ҳозир ер куррасидаги етмишдан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

КПССнинг тарихий XXIII съездидан кейин республика экономикасида айниқса катта ўзгаришлар рўй берди. Бугун, деди Д. А. Кунаев, Қозоғистонда маҳсулот ишлаб чиқариш шу беш йиллик бошидан буён қарийб бир ярим баравар ортганлигини сизларга маълум қилиш билан хурсандмиз. Шу давр ичида республикада 400 га яқин янги корхона ва цех ишга туширилди. Қозоғистон саноатида сифат жиҳатидан катта силжишлар рўй берди: ишлаб чиқариш техника билан кўпроқ таъминланди, фан ва техника ютуқлари кенг жорий қилинмоқда, меҳнат шароити яхшиланди, меҳнат унумдорлиги ошди. Совет космик кемалари парвоз қиладиган майдонча республика территориясида жойлашганлигидан қозоғистонликлар ҳақли суратда фахрланадилар. Унча машҳур бўлмаган даштдаги Бойқўнғир деган жойнинг номини эндиликда юлдузлараро фазони ўзлаштириш тарихидан ажратиш мумкин эмас. Совет кишилари биринчи бўлиб фазони ўзлаштиришга киришдилар.

Д. А. Кунаев республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида гапириб, қуйидагиларни айтди: республика қишлоқ хўжалиги олға қараб жуда катта қадам қўйди. Қўриқ ва партов ерларнинг кенг кўламда ўзлаштирилганлиги бу соҳада жуда катта роль ўйнади. Бу эса бутун совет халқи қаҳрамонона меҳнатининг рамзи, меҳнат руҳида ва интернационализм руҳида тарбиялаш мактаби бўлди. Қозоғистонда жуда қисқа муддатларда 25 миллион гектардан ортиқ янги ер очилди ва ўзлаштирилди. Социалистик тузум шароитидагина шундай қилиш мумкин бўлди. Республика далаларида бир ярим мингта яқин янги йирик совхозлар вужудга келтирилди. Қишлоқ хўжалигидаги бунёдкорлик ишларининг бундай катта миқёслари тарихда ҳали кўрилган эмас.

Қўриқ ерлар халққа миллиард пудлаб ғалла, кўп миқдорда гўшт ва сут берди. Қозоғистон совхоз ва колхозлари кейинги тўрт йил ичидагина давлатга қарийб уч миллиард пуд дон сотдилар.

Қозоғистон деҳқончилик билан бир қаторда мамлакатнинг шарқида энг йирик чорвачилик базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳозирги вақтда республикада 7,5 миллион бош қорамол, 41 миллиондан ортиқ қўй ва эчки бор.

Коммунистик партия Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлларини кўрсатиб берди. Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда қилган докладида ва Пленумнинг қарорида социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифалари аниқ-равшан белгиланди. Республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари бу вазифаларни жанговар, конкрет иш программаси деб қабул қилдилар.

Сўнгра Д. А. Кунаев маданият, фан, маориф, соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтди. У айтдики, Коммунистик партия халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда. Кейинги 5 йил ичида республиканинг миллий даромади қарийб бир ярим баравар кўпайди. Ишчилар ва деҳқонларнинг реал даромадлари анча ортди. Республикада уй-жой қурилиши кенгайиб кетди. 1965 — 1969 йиллардагина шаҳар ва қишлоқларда жами 30 миллион квадрат метрдан ортиқ ҳажмдаги уй-жой қурилди.

Биз, деди докладчи, бугун республикамизнинг юбилейини байрам қилар эканмиз ва муваффақиятларимизни кўрсатиб ўтар эканмиз, ҳамма ютуқларимизни жонажон Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигида қўлга киритганлигимизни биламиз. Партиямиз социализм ва коммунизм қурилишига раҳбарлик қилишдан иборат буюк тарихий вазифани ўз зиммасига олди. Социалистик қурилиш тажрибаси билан бойитилган, илғор революцион назария билан қуролланган ленинчи коммунистлар партияси ана шу буюк вазифани шараф билан бажармоқда.

Қозоғистон Коммунистик партияси Совет ҳокимияти йилларида республиканинг муваффақиятларини қўлга киритишда ғоят муҳим роль ўйнади. КПССнинг жанговар ва йирик отрядларидан бири бўлмиш Қозоғистон Коммунистик партияси меҳнаткашларни коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш соҳасида улкан ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борди ва олиб бормоқда.

Қозоғистон Коммунистик партияси ўзининг эллик йиллигини ғоявий жиҳатдан чиниққан ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, КПСС Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олди.

Шундан кейин докладчи республика ва Қозоғистон Компартияси яқин йиллар ичида ҳал этиши лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Д. А. Кунаев докладининг охирида бундай деди: Қозоғистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўз республикасининг иккинчи эллик йиллигига қадам қўяр экан, жонажон Коммунистик партиямизга совет халқларининг Октябрь вужудга келтирган улуғ дўстлигини бундан буён ҳам кўз қорачиғидек сақлаймиз, қардош республикалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаб, ривожлантиравeрамиз, деб ваъда бердилар. Совет Қозоғистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, Улуғ Октябрнинг муқаддас байроғига, коммунизм ғояларига ҳамиша содиқ бўлиб қоладилар ва ўзларининг бутун куч-ғайрат ва билимларини коммунизм қурилиши улуғ ишига сарф қиладилар.

Ўртоқ Д. А. Кунаевнинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга сўз берилади. Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб уни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев тантанали мажлис президиумига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг республикага табрик текстини топширади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Д. А. Кунаев партия ва ҳукуматга қимматли мукофот учун — Октябрь Революцияси ордени учун чуқур миннатдорчилик билдирди. Эндиликда бу орден Совет Қозоғистонининг байроғида Ленин ордени билан ёнма-ён порлаб турибди.

Д. А. Кунаев бундай деди: Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табригида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида Қозоғистон Компартиясининг, республика барча меҳнаткашларининг социалистик қурилишдаги хизматларига юксак баҳо берилгани билан фахрланамиз.

Д. А. Кунаев Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети ва Қозоғистон ССР Министрлар Совети номидан, республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукуматига аниз шу баҳолари учун самимий ва чин юракдан миннатдорчилик билдирди ҳамда Қозоғистон Коммунистик партияси, республика ишчилар синфи, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун бутун куч-қувватларини сарфлайдилар, деб ишонтирди.

Шундан сўнг Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков тантаналарга келган делегация раҳбарларига сўз берди.

Тантанада қатнашиш учун бу ерга келган делегацияларнинг раҳбарлари: Россия Федерациясидан — РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Яснов; Москва шаҳридан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Украинадан — Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. П. Ляшко, Ленинград шаҳридан — меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов, Белорусиядан — Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Ўзбекистон ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Грузия ССРдан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Озарбайжон ССРдан — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Литвадан — Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Ю. Шумаускас. Молдавия ССРдан — Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, Латвия ССРдан — Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, Қирғизистон ССРдан — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, Тожикистон ССРдан — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Р. Расулев, Арманистон ССРдан — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Е. Кочинян, Туркманистон ССРдан — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ғафуров, Эстония ССРдан — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин қардош қозоқ халқига табрик сўзлари айтдилар.

Улар Қозоғистон меҳнаткашларини республика ва Қозоғистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейи билан қизғин муборакбод этдилар. Делегация бошлиқлари мустаҳкам аҳил оилага бирлашган улуғ социалистик Ватанимизнинг халқлари номидан қардош Қозоғистон меҳнаткашларига Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янгидан-янги катта муваффақиятлар тиладилар.

Ёш ленинчилар тантанали мажлис қатнашчиларига пионерлик саломи ва табрик топширдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрик хатини баланд руҳ билан қабул қилдилар.

Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов делегация раҳбарларига табриклари учун, қозоқ халқи шаънига айтган қизғин сўзлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси партия гимни «Интернационал»ни куйлаш билан тугади.

Олмаотадаги юбилей тантаналари Совет Қозоғистони меҳнаткашларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети атрофига маҳкам жипслашганлигининг ёрқин намойишига айланди, порлоқ келажак — коммунизм сари бораётган совет халқлари бузилмас дўстлигининг намойишига айланди.

Н. КОЛЕСОВ,
Н. НОВИКОВ,
ТАСС махсус мухбирлари.
Олмаота, 28 август.

КОММУНИСТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Коммунист Тожихон Усмонова бошлиқ бригада аъзолари ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб, 81 гектар майдондаги гўзани уч марта сифатли парваришдан чиқардилар.

Айниқса, ҳосилга-ҳосил қўшиш ойларида иш самарали бўлди. Механизаторлар, сувчилар вақт билан ҳисоблашмадилар, ҳар бир ниҳолнинг ўсишидан ҳосил тўпланишидан кўз-кулоқ бўлдилар.

Бригада даласида ҳар туп гўзада 10—12 тадан кўсак бор. Айниқса, ниҳолларнинг пастки шохларида кўсак кўп. Улар бирин-кетин лўппи-лўппи бўлиб очилмоқда.

Бригада бошлиғи Тожихонопа биз билан суҳбатда 24 ишчининг гайрат кўрсатиши ва техникадан самарали фойдаланганликлари сабабли юбилей йилида ҳар қачонгидан кўп ҳосил тўплаганликларини мамнуният билан қайд қилди.

Бригада аъзолари теримга қизғин тайёрланишяпти. Машиналар бурилиб қайтадиган майдончалар текисланмоқда. Ариқ, сизот сувлари оқадиган каналлар тозаланяпти. Бегона ўтлар юлиб ташланиб, гўзалар шамоллатилмоқда. Деҳқон шу кунларда пахтазорни қанчалик кўп оралар экан, кўсаклар ҳам шунчалик тез «оқ олтин» дурдоналарига айланади.

М. ГОЗИЕВ,
Бекобод, 1-«Далварзин» совхози.

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, шаҳар Советининг XII чақириқ VI сессияси 1970 йил 4 сентябрь эрта билан соат 10.00 да республика «Билимлар уйи» биносида очилади (Киров кўчаси, 24-уй).

Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Тошкент шаҳрини қуриш ишлари Бош Бошқармаси, шаҳар уй-жой бошқармаси, барча турдаги шаҳар пассажир транспортларининг ишини ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасига қарашли ташкилотларда қиш мавсумида ишлашга тайёргарликнинг бориши тўғрисида.

Докладчилар: Тошкент шаҳрини қуриш ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи ўртоқ В. Н. Маркин.

Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қ. Х. Бурхонхўжаев.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспортларининг ишини ривожлантириш ва координациялаштириш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. М. Мунов.

Шаҳар Совети уй-жой хўжалиги доимий комиссиясининг иши тўғрисида ҳисобот. Докладчи доимий комиссия раиси ўртоқ Г. С. Финкельштейн.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

МАШИНА—ТЕРИМДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз пахтакорларининг йиғим-теримни 20—25 иш кунида тугаллаш юзасидан олган мажбуриятлари

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган колхозимиз пахтакорлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга, пахтани кўпайтиришда ички резервлардан самарали фойдаланиш тадбирларини амалга оширишга катта эътибор бермоқдалар.

Бу йил колхозимизда пахтани кенг қаторлаб экишга тўла ўтилди. Бизнинг ҳисобимизга қарағанда, етиштирилган ҳосил беш йилликнинг сўнгги йилида зиммамизга олган мажбуриятни қоплайди.

Деҳқонларимиз ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта йиғим-терим кампаниясини 20—25 кунда тугаллашга қарор қилдилар. Яқин кунларда пахта пайкалларини машина теримига тайёрлаш ишларини тугаллаймиз. Ремонтдан чиқарилган техника кучларини, йўл, кўприк, асфальтланган пахта хирмонлари ва юк ташувчи машиналар ремонтини қайта кўздан кечирамиз.

Гўзани дефолияция қилишни 1600 гектар майдонда камида ҳар туп гўзада иккитадан чаноқ очилганда ўтказамиз. Биринчи машина теримини барча майдондаги ҳосилнинг 60 проценти очилганда бошлаймиз. Ҳосилни йиғиб-териб олишда 36 та пахта териш машинаси ишлашини таъминлаймиз. Биринчи теримни 13 иш кунида тугаллаб, шу теримда 3240 тонна пахтани териб оламиз. Бу ҳар бир машинага 90 тоннадан тўғри келади.

Иккинчи машина теримини 10-12 иш кунида тугаллашни мўлжаллаяпмиз. Бу теримда машиналар ёрдамида 1080 тонна ҳосилни йиғиштириб оламиз. Ҳар бир машина 30 тоннадан теради.

Демак, машина билан жами 4320 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинади. Бу етиштирилган ҳосилнинг 90 проценти «зангори кема»лар билан териб олинади, деган сўз.

Машина терими билан бир қаторда карта четларида, машина ишлаши ноқулай бўлган пайкалларда қўл теримини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, уруглик пахта майдонларидаги ҳосилни ҳам қўл билан йиғиштириб оламиз.

Терим машиналарининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш мақсадида 150 та прицеп, 18 та транспорт трактори, 18 та пахта юкловчи машина ва 18 та автомашинани шай қилиб қўйдик. Бу имкониятдан биринчи 13 иш кунининг ҳар бир кунида давлатга 250 тоннадан пахта топширишни таъминлайди. Кейинги 12 иш кунининг ҳар бир ишкунида эса 130 тоннадан «оқ олтин» топширамиз.

Иккинчи машина теримидан кейин тўкилган пахталарни йиғиб-териб олишга киришамиз. Бу ишга 11 та «ПХП—1,8» маркали подборщик, 18 та кўрак териш машинаси қўйилади. Ҳосилдан бўшаган майдонларни тозалаш ишлари қўл кучи билан бажарилади.

Йиғим-теримда қатнашган механизаторлар икки маротаба арзонлаштирилган иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун дала шийпонлари доимий жиҳозлаб, газета ва журналларнинг янги сонларини келтириб турилиши таъминланади. Йиғим-терим ишларининг боришц, социалистик мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида маълумот бериб турилади, дала шийпонларида суҳбат ва лекциялар ўтказилади.

Пахта териш машиналарида ишлаётган механизаторлар биринчи 13 иш кунида 90 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Мана шу вазифани бажарган механизаторга белгиланган иш ҳақига қўшимча равишда 50 процент қўшимча ҳақ ёзилади. Иккинчи теримда ўз зиммасидаги мажбуриятни бажарган механизаторга белгиланган иш ҳақига қўшимча 100 процент ҳақ тўланади.

Ҳар беш кунда йиғим-терим илғорлари аниқланиб, пешқадам участка ва бригадаларга пул мукофоти берилади.

Колхозимиз пахтакорлари беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун барча тадбирларни кўрадилар.

Д. КИМ,
колхоз раиси.

С. ТЕН,
партия ташкилотининг секретари.

С. ПАК,
колхоз бош агрономи.

П. ЛИ,
колхоз боғи механиги.

Жаҳон янгиликлари

ФРАНЦИЯ МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

ПАРИЖ, 27 август. (ТАСС). Елисей саройида Франция президенти Ж. Помпиду раислигида остида министрлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Бош министр ҳузуридаги Давлат секретари Лео Амон журналистларга шуни маълум қилдики, мажлисда сўзга чиққан Ташқи ишлар министри М. Шуман СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартнома хусусидаги масала юзасидан Францияянинг тутган позициясини баён этиб берган. «СССР билан ГФР ўртасидаги келишувлик юмшатиш ва яқинлашиш сиёсатини Франция маъқуллайди ва ҳамма вақт маъқуллаб келган эди,— деди Лео Амон.— Бу сиёсатни биз қўллаб-қувватлаяпмиз».

САН-АНТОНИОДА ЮҚУМЛИ КАСАЛ

НЬЮ-ЙОРК, 27 август. (ТАСС). Техас штатининг Сан-Антонио шаҳрида дифтерия (бўғма) эпидемияси авжига чиқмоқда. Бу касалликдан икки бола нобуд бўлди. Касал янги юққан кишилар ҳам борлиги тўғрисида хабар берилмоқда.

Аҳолини бўғмага қарши эмлаш режалари жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Медикларнинг эътироф этишларича, бу қийинчиликларнинг асосийси эмлаш нархидир. «Касалликдан гарантияланиш» шу қадар қимматки, бунга ҳамманинг ҳам кучи етавермайди.

ЧИКАГОДА ИҒВОГАРЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 27 август. (ТАСС). Кеча кечқурун бир группа иғвогарлар Игорь Моисеев раҳбарлигидаги СССР Давлат Академик халқ рақс ансамблининг Чикаго театридаги биринчи концертини бузди.

3500 дан ошиқ томошабин ҳозир бўлган «Сивик опера хаус» театридаги томоша чоғида советларга қарши иғвогарлар кўздан ёш оқизадиган газ тўлғазилган икки идишни балкондан туриб оркестр хонага ташлаб юбордилар. Томоша залида бензинли идиш ҳам топилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, газдан азият чекган тўрт киши шифохонага келтирилди. Ансамблнинг шу куни концерти қолдирилди.

ФИНЛЯНДИЯ АҲОЛИСИ

ХЕЛЬСИНКИ, 27 август. (ТАСС). Марказий статистика бюросининг маълумотларига кўра, шу йил июль ойининг охирида Финляндия аҳолисининг сони 4.659.000 кишидан иборат бўлган.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ЭРТАГА—ШАХТЁРЛАР КУНИ

„ҚОРА ОЛТИН“ БУНЁДКОРЛАРИ

ОҲАНГАРОН КАРВОНИ

Юбилей йилида коллективимиз юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаяпти. Халқ хўжалигининг муҳим ёқилғи—кўмирга нисбатан йил сайин ошиб бораётган талаб ва эҳтиёжни тўла қондиришга ҳисса қўшиш шахтамиздаги ҳар бир кончининг меҳнат шиори бўлиб қолди.

Ҳа, шахтёрлик фахрланса арзийдиган касб. Шу касбни эгаллаб мен ҳам кам бўлмаяпман. Бошқалар ҳам севган ҳунарлари мевасини тотимоқдалар. Ҳар биримиз муқаддас касбимизга дог туширмаслик учун фидокорона ишлаяпмиз. Унинг шон-шуҳратини янада ошириш учун тажриба ва билимимизни аямаяпмиз. Шунинг учун ҳам ишимиз натижаси чакки бўлмаяпти. Қора олтин қазиб чиқариш ой сайин кўпаймоқда.

Барча участкалар ва бригадалар ўртасида йўлга қўйилган социалистик мусобақа ютуқларга эришишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Чунки бу мусобақанинг ҳақиқатан ҳам оммавийлиги таъминланди. Ҳамма коллективлар ва айрим шахтёрлар зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди ҳамда эл-юрт олдида берилган бу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун қизғин кураш олиб боришди. Мусобақа жараёнида вужудга келган янгиликлар, илғор иш тажрибалари бошқалар ўртасида кенг ёйилди.

Шундай ташкилий-техникавий чоралар амалга оширилганлиги туфайли эртага нишоналанадиган ўз байрамимиз — Бутуниттифоқ Шахтёрлар кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оляпмиз. Саккиз ойлик кўмир қазиб чиқариш ва уни реализация қилиш плани муддатидан илгари адо этилди. Ўтган етти ой мобайнида пландагидан ташқари 40 эшелонга яқин кўмир қазиб чиқарилди ва истеъмолчиларга юборилди. Меҳнат унумдорлиги эса 105,4 процент қилиб бажарилди.


Бу рақамларга эътибор беринг: шу йилнинг ўтган етти ойида биз ҳаммаси бўлиб 98,2 минг тонна йирик ва ўрта катталикдаги кўмир қазиб чиқаришимиз керак эди. Амалда эса салкам 135 минг тонна шундай сифатли қора олтин қазиб чиқаришга муваффақ бўлдик. Бу соҳа топшириғи 130 процентдан ошириб адо этилди. Бунинг эвазига эса бир неча минг сўм қўшимча фойда олдик. Кўпчилик участкалар ва бригадалар коллективимиз эришаётган меҳнат зафарларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу жумладан, бизнинг бригадамиз ҳам баракали меҳнат қилмоқда. Бригадада ўнга яқин миллатга мансуб кишилар ишламоқда. Улар бир-бирлари билан жуда аҳил ва иноқ.

Бригадамиз аъзолари шахтада биринчи бўлиб беш йиллик план топшириғини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шу йиллар мобайнида пландагидан ташқари ўларча минг тонна кўмир қазиб чиқардик. Ойлик ва кунлик ишимиз кўрсаткичлари топшириқдагидан 15-20 процент ошиқ бўлмоқда. Бу, ҳар сменада қўшимча 50-80 тонна кўмир қазиб чиқарилаяпти, деган гап.

Барча павалоотбойчиларимиз фидокорона ишлашяпти. Меҳнатда бир-биридан қолишмайди. Аммо, кончиликда узоқ йиллар ишлаб катта тажриба орттирган шахтёрларимиз номини ҳурмат билан тилга олгим келади. Улар унумли, меҳнат қилиш билан бирга ўзларининг бой тажрибаларини ҳамкасбларига қунт билан ўргатмоқдалар. Бу эса бригадамизда меҳнат унумдорлигининг кескин ортишига олиб келмоқда. Абдулла Ғаффоров, Амет Холбоев, Хидирали Маматқулов ва бошқа кончиларимиз шулар жумласидандир.

Мана, бир неча ойдан бери 1971 йил ҳисобига кўмир қазиб чиқаряпмиз. Биз КПСС XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақага бажонидил қўшилдик. Съездга катта тортиқлар билан келиш режаларини тузиб чиқдик. Ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб съезд очиладиган кунгача 1971 йил планини тўла бажаришга аҳд қилдик. Шу кунларда ана шу мажбуриятнинг тўла уддасидан чиқиш учун гайратга-гайрат қўшиб ишлаяпмиз. Бригадамизнинг барча аъзолари кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишяпти. Бу эса янги-янги муваффақиятларга эришувимиз учун гаровдир.

А. МАМАТОВ,
Оҳангарондаги 9-шахта навалоотбойчилар бригадаси бошлиғи, Фахрий шахтёр.



Оҳангарондаги 9-шахтанинг аҳил коллективи эртага нишоналанадиган Бутуниттифоқ шахтёрлар кунини меҳнатда улкан совғаларини қўлга киритган ҳолда кутиб оляпти. Суратда: шахтанинг илғор шахтёрларидан (чапдан ўнгга) Икомали Абубакиров билан Борис Денченко ўртоқлар. Улар кунлик иш пормасини доимо ошириб адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

* * *

Суратларда: (чапда) Оҳангарондаги очиқ типдаги кўмир конида ана шундай транспортёрлар ёрдамида вагонларга «қора олтин» узатилади. (Ўнгда) Экскаватор ёрдамида кўмир қазиб олиш.

Ж. Раззоқов фотолари.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР


● СССР жаҳонда энг йирик кўмир саноати мамлакатидир. Ёқилғи запаслари ва уни қазиб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.


● Совет ҳокимияти йилларида СССРда кўмир қазиб чиқариш 20 баравар кўпайди.

● Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 600 дан ортиқ кўмир конлари борлиги аниқланган.

● 1969 йилда кончиларимиз 608 миллион тонна кўмир қазиб чиқаришди. Беш йилликнинг сўнгги йилида эса бу кўрсаткич 618 миллион тоннани ташкил этади.

● Мамлакатимиз кўмир саноатида 180 мингга яқин кон ниженерлари ва техниклари ишлаб турибди.





Реклама ва Эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Оққуш кўли**, 30/VIII да **Доктор Айболит** (кундузи), **Анда** (кечқуруни).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Аяжонларим**, 30/VIII да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/VIII да **Қалам қошлигим** (қишки бинода), 30/VIII да **Елғончи даркор**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Европалик келин — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруни).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруни).

Графиня Коссель — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Ун еттинчи осмон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Парад алле — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруни).

Баҳор сувлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8,40 минут ва 10 да бошланади).

Европалик келин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ун еттинчи осмон — «ХИВА».

Графиня Коссель — ТЕЛЬМАН номли.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 АВГУСТДА

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ ЖАМОАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Хоразм «Лазги» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССР халқ артисти

ГАВҲАР РАҲИМОВА

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

ЯНГИ КИНОЗАЛ ОЧИЛДИ

29, 30 АВГУСТДА

МУҲАББАТ МАВСУМИ

ЯНГИ ЯПОН БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

ТОМОША ҚИЛИНГ

Сеанслар кундуз соат 12, 2, кеч 6 ва 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 2-СОН ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1970-71 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлайди: токарлар, фрезерчилар, саноат маҳсулотларини йиғувчи слесарлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-самолёт монтажчилари, слесарь-механиклар қўлда ишлаб чиқарувчи қолипчилар.

Билим юртига 7-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15—25 ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш —1 йилдан 2 йилгача давом этади.

Ўқиш вақти иш стажига киради.

Бир йиллик ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга машинасозлик техникумларининг 3 курс студентлари қаторида стипендия тўланади (23 сўм 50 тийин), аълочиларга эса 25% миқдорида кўпроқ тўланади.

2 йил ўқийдиган ўқувчилар 3 маҳал текин овқат ва кийим-бош билан таминланадилар.

Билим юртига киручилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, автобиография, етуклик аттестати ёки табель, паспорт ёки метрика, турар жойидан справка, ҳарбий ҳужжати ва 3х4 сантиметр ҳажмдаги 6 фотосурат, мактабдан олинган характеристика.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационный проезд, 10 уй (8, 10, 14 автобуслар, 10 троллейбус ва 10 трамвайнинг «Максим Горький» бекати), телефон 49-91-04.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1719. ИНДЕКС — 64697. Р — 02757